



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 16-aprel / № 16 (4623)

ТЕРМИЗИЙЛАР ДИЁРИДА

Ҳақим Термизий халқаро турнирига тайёргарлик яқунланаётган тарихий кунлар арафасида барока ёмирини эргаштириб, Алмомишу Барчиноилар юрти — Сурхондарёга отландик. Эрали Маҳмарасулов, Абдулла Танғриев, Рината Ильматова сингари миллий кураш ва дзюдо бўйича Жаҳон ҳамда Осиё чемпионлари етишиб чиққан она юртимга борсам, албатта, Термиз отани зиёрат қилмоқчи эдим. Сафарим қариди ҳамки, бу дунёнинг таъвишлари ҳеч йўл берай демасди. Таассуфки, энди қайтиши керак.

Дарахлар бошини сарак-сарак қилиб, ёмғир ҳам чечаклаб куя бошлади. Бир сафар Тошкентдан қайтаётиб, селда колганимиз, биз чиққан машина пасткам йўл ўртасида бир муддат такка тўхтаганию қутилмаганда полвондай кучли шашт билан сел оқимидан отилиб чиққан кўз ўнгимда гавдаланди — Худо бир асрорди ўшанда. Хайдовчи ҳам орқа ўриндикка тез-тез қараб қўяди; аммо хавотирга ўрин йўқ, чунки ҳозир у йўллардан асар ҳам қолмаган; бевош селлар ҳам аллақачон жиловланиб, Бойсунга минг йилда келмаган сувлар кепқолган. Шунга қарамай, об-ҳаво барибир об-ҳаво-да.

— Бойсунга бурилайми, — ниҳоят сўради хайдовчи.

Қутилмаганда ниятимиз бир жойдан чиқди: — Имом Термизийни зиёрат қиламиз, Шеробода хайданг, — деди йўлдошларимиздан бири. — Бу кеча Термизда қолиб, эртага учамиз.

Нокўлай шароитда вақт ва вазиятдан ютиш — энг тўғри қарор эди. Аммо зиёратгоҳга етишимиз билан ҳаво очилиб кетди — гўёки она табиат муҳаддислар султониини зиёрат қилмай кетолмаслигимизни қайта-қайта уқтирдиди биз ҳам бу ишоратни иллаган алфозда ичкариладики. Соғинчу интизорлик билан, чуқур ихлосу эътиқод би-

лан Термизий бобомиз қабри қошида муаззам кироатга сомеъ эканмиз, буюқ муҳаддис Жаноб пайғамбаримиздан: “Олимини йўқлаган мени топади” деган машҳур ҳадисни ривоят қилаётгандек бўлди. Беихтиёр ўйлаиб қолдим: “Олим бизни ўзига — илмга чорлаган бўлса, не ажаб”.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йилда қайта реконструкция қилинган макбаранинг таърифиға тил ожиз. Аслида ўтмишга кўрсатилган юксак эҳтиром — келажакка, илм-фанга, миллий кадриятлару жисмонан ва маънан барқамол шахс тарбиясига қаратилган эътиборнинг бир кўринишидир. Китобхонлик маданиятини юксалтириш, адабиёт ва санъатни, спортни келажак авлоднинг соғлом турмуш тарзига чуқур сингдиришга қаратилган Президентнинг беш ташаббусидан кўзланган мақсад ҳам келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдан иборат. Биз ҳам шу мақсадда ижодкорлар, ёшлар, мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказиб, китобхонликни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилишга бел боғлагандик. Оби раҳмат шарофати билан Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳиға бекиёе ўзгаришларни кўриб, руҳимиз тиникланди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

ШУНДАЙ ВАТАНИМИЗ БЎЛАТУРИБ...

Ижтимоий тармоқларни кузатганда, телеканалларнинг баъзи ахборот дастурларини тинглаганда юрагим “зирқ” этади...

Мамлакатимизнинг узок-яқин давлатлар билан дўстона муносабатлари мустаҳкамланиб бормоқда. Фарғона вилояти билан қардош Қирғизистоннинг Баткент тумани худуди орасида чегара очилди, борди-келдиниинг енгиллашганига икки халққа мансуб фуқаролар ҳам хурсанд. Венгрия Бош вазирини, Эроннинг ташқи ишлар вазирини юртимизга ташриф буюрди. Манфаатли шартномалар имзоланди. Булар мамлакатимиз ҳаётидаги шунчаки воқеалар эмас, ҳар бирида тинччилигимиз учун қафолат бор.

Ёшларимизнинг илм олишига иштиёки кун сайин ошаётгани, улар орасида Президентимиз Ўзбекистон Ёшлари Форумида тилга олган Фирдавс Абдуқаюмов (Ф.Абдуқаюмов АКШнинг Жон Кэррола университетида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грантни қўлга

киритди) каби ёшларимизнинг кўпайиб бораётгани ҳаммамизнинг қувончимиздир. Чунки бу каби ютуқлар юртбошимиз орзу заминимизга уруғини сочган Учинчи Ренессансга ташланган дадил қадамлардир. Ҳар лаҳзамизда қувончга, фахрга сабаб бўладиган воқеалар ичида яшаймиз. Аммо шундай хароратли, ёруғ хиссиётлар аро ҳам юрагим “зирқ” этади.

“...Эркак шаръий никоҳдаги рафикасини неча жойидан жароҳатлади. Аёл шифохонада жон таслим қилди”. “Икки улфат аввал отамлашдилар, сўнг сархушлик сабаб жанжал қилди. Уй эгаси ошнасиға пичок уриб яралади. Ўттиз беш ёшли эркак шифохонада жон берди...”

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

БИЛИМДОНЛИК ДАЪВОСИ

Тилимизда қўлланиб, ифода шакли маълум, маъноси тегин, талаффузи меъерий қоидаларга зид бўлмаган сўзларни янги шаклда қўллашга қандай эҳтиёж бор? Дейлик, “доцент”ни dosent, “аттестация”ни attestasiya, “модернизация”ни modernizatsiya ё ой номлари — “сентябрь”ни sentabr, “октябрь”ни oktabr шаклида ишлатишнинг қандай зарурати бўлиши мумкин? “Милиция”ни milisa, “мотоцикл”ни matasekl, “операция”ни aparasta, “цемент”ни simon, “санкция”ни sanksiya

дейиш мумкин. Бироқ юқоридаги илмий атамаларни аслича қолдириш керакми, дейман. Шунингдек, Гельвеший, Цицерон, Стаций, Гораций, Домиций сингари дунё алломалари исмини бошқа халқлар ишлатгани сингари “is” ёрдамида қўлламоғимиз лозим. Франц, Цеткин, Песталоцци каби шахс отларини esa Frans, Cetkin, Pestalotsi шаклида қўллаш хато эмас. “Цицерон”нинг биринчи бўғинида “t” сал каттирок эшитилади. Шу боис бу номни Titseron шаклида қўллаш мумкин. Хуллас, “ц” сўз аввали ё охирида келса, ўртасида келганда esa ts

шаклида қўлланса, талаффуз меъерларига мос тушади. Ўтган аср бошларида ота-боболаримиз “сентябрь” ё “октябрь” деб айтса айтгандир. Аммо қарийб бир аср давомида халқимиз онги ва тафаккурини ўрнашиб, сингиб кетган, талаффузи меъерлашган сўзларни ўзгартириб, “билимдонлик” даъво қилишнинг маъноси нима? “Француз”ни Fransuz дейиш хато эмас, бироқ “dotsent” ёки “attestatsiya”нинг нимаси ёмон?

ЛУҚМА

НУКУС БАХШИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Муҳтарам Президентимизнинг «II Халқаро баҳишчилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриши ва баҳишчилик санъатини ривожлантириши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқ озаки ижодиёти, адабиёт ва санъатга, шунингдек, мазкур соҳалар вакилларига кўрсатишган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. II Халқаро баҳишчилик санъати фестивали бу йил Нукус шаҳрида ўтказилади. Ундан кўзланган мақсад халқ ижодиёти билан бир қаторда турли ўлкаларда баҳиш, жирова, оқин, манасчи, шоир, ошиқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужжасам этган санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

“устоз-шоғирд” аъналарини асосида қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган мазкур қарорға мувофиқ Ўзбекистон тарихида иккинчи бор ўтказилаётган ушбу фестивал адабиёт ва санъат соҳасидаги туб ислохотларни амалий жиҳатдан янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Халқаро баҳишчилик санъати фестивали илк бор 2019 йили Термиз шаҳрида ўтказилган ва унда дунёнинг етмиш тўрт давлатидан бир юзоттмиш нафардан зиёд вакил иштирок этганди. Халқаро санъат байрамининг ўша йили Алмомишу Барчиноилар, баҳишчилар ватанида ўтказилишида ўзига хос рамзий маъно бор эди. Чори баҳиш Умиров, Шоберди Баҳиш Болтаев, Хўшбўқ баҳиш Морданакулов, Абдуназар баҳиш Поёнов, Бобораим баҳиш Маматмуродов сингари таниқли оқинлари билан машҳур Сурхон дёрида байрамга қатта тайёргарлик қўрилганди. 32 гектардан иборат асосий тантаналар майдонида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг рамзий кўргонлари бўлиб этилиб, ҳар бир худуднинг ўзига хос урф-одат, аъна ва кадриятлари акс

МУНОСАБАТ

этирилди. Фольклор-этнографик чиқишлар, сайёҳлик масканларига ташрифлар, илмий конференция ва кўргазмаларни ўз ичига олган маданий-маърифий дастурлар намойиш этилганди. Иштирокчилар орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эди. Айниқса, аёл баҳиш Зулхумор Худойназарованинг чиқишлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

2021 йилда ўтказилиши кўзда тутилган II Халқаро баҳишчилик санъати фестивалида ҳам ўша руҳ, ўша шуқуҳ тақдорларинини ўйласам, беихтиёр орзиқиб кетаман. Шундай озод ва обод, ўзлигига собит Ватанда яна сибижа-дўмбира наволарининг янграши, турли миллат оқину жировларининг ташриф буюриши ҳар қандай ижодкор қалбни ҳам забт этиши тайин.

Сафар ШАЙДИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ баҳиши

Ортиқали НОМОЗОВ

ҚАНШАКИ ЎРИК

Устоз Ўткир Раҳматга бағишланади.

Мамарайим бува кадрон ошнаси Мамаюсуфнинг боғига эниб борди. Қиш чилласи чиқиб, баҳор нафаси келиб қолган кунлар. Куёш ниматга нур сочар, ҳаво юмшоқ, ёқимли эди. Боғда ҳеч қим йўқ. У тўни барини химариб, анча маҳалгача айланиб юрди. Ҳар бир дарахт олдида тўхтаб қолар, негаки, кўз олдиға нуқул кадрон ошнаси Мамаюсуф келаятганди. У: “Қалай Мамарайим, Мақсуднинг иши тузукми, ишқилиб...” дейётгандек бўларди.

Мамаюсуф раҳматли унинг болалиқда тегишиб қатта бўлган ўртоғи эди. Икки ошнанин иш жойи ҳам бир, Тўғайдаги ерда сувчилик қиларди. Бокка, боғбонликка кўп ишқивоз эди у. Қуш тинса тинардик, аммо у тинмасди. Ғайратдан, куч-қувватдан Худо қўшқўллаб берганди ошнасиға. Ховлисини ҳар хил дов-дарахт, гулу райҳонлар билан яшнатгани етмагандек, нафақага чиққандан кейин Қораларё ёқасидаги ана шу қаттагина ерни ҳам юлгини тўрангидан тозалаб, кўркамгина боғ қилди. Бу ерга ҳам дарахтлар ўтказди. Олма, ўрик, нок, ёнғоқ, бодом... Нималар йўқ бу боғда?!

Мамаюсуф тушмағур бирор тансиқ мева дарагини эшитса бўлди, унинг кўчатини олиб келиб экмағунча, мевасини татиб кўр-

мағунча кўнгли жойига тушмасди. Бирорта таниши бошқа юртга отланганини эшитса ҳам белбоғига ўрикми, олмами тугиб бориб, кўнглини олар, қайтишида ўша ерда ўсади-ган мевалар уруғи ё кўчатидан олиб келишни тайинларди. Ҳа, шунақа ажабтовур одам эди у. Эсидан чиқмайди: бир гал Мамарайим Тожкистоннинг Исфарасига борадиган бўлиб қолди. Эртага жўнайман деб турган куни эшик очилиб, Мамаюсуф бош суқди:

— Исфарога кетяпсан экан, шу ростми, ошна? — деди у хап йўқ-лап йўқ.
— Ҳа, — деди Мамарайим. Кейин у муддасини ҳам яшириб ўтирмади. Ўша ерда отаси раҳматлининг бир кадрони яшанини, ёши улуг одамлигини, уни бир зиёрат қилиб келмоқчилигини айтди.

— Яхши ўйлабсан, — деди Мамаюсуф. — Билсанг, Исфара — қантакининг қони. Ўзим бориб ўша ўрикнинг данагидан олиб келмоқчи бўлиб юрардим. Мана, Худо ёрлаб қўйди яқин, мушқулми осон бўлди. Менга қантакининг данаги керак. Мана, бу сенга... — Мамаюсуф шундай деб тўни баридаги бир тугунчани ошнасининг қўлиға тутқазди.



Баҳишчилик санъатини Республика ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, Халқаро баҳишчилик санъати фестивалини Республиканинг бошқа худудларида ҳам ўтказиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида мавжуд бўлган ижодий мактабларни

Туркий халқларнинг бугунги ҳаётида Амир Темурнинг ўрни бўлакча, вақт тушунчасига бўйсунмайди. У ҳаммамиз учун ватанпарварликнинг умумтуркий эътиқод тимсолидир.

Чингиз АЙМАТОВ

ШАК-ШУБҲА ҚОЛМАДИ ҚУДРАТИМИЗГА

Ватан остонадан бошланади деганларидек, Тошкент вилояти бўйлаб юреангиз "Менинг Охангароним", "Менинг Чинозим", "Менинг Бекободим" деган лавҳаларга кўзингиз тушади. Беихтиёр юртга мухаббат, эгалик ҳисси ўзингиз тугилиб ўсган кадрдон гўшадан бошланишига амин бўласиз. Кўнглингизда масъулият, дахлдорлик ҳисси ортади.

лар: "Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, ула молари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим, уларга суюроғол, вазибалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улўғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим." Чинакам юртпарвар, элпарвар инсонгина шундай ишларга қодир. Бугунги маънавий ўзгаришларни ҳам азалий анъаналарнинг узвий давоми дейиш мумкин.



ли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди" деганларидек нақадар ҳақ эди. Мухтарам Президентимизнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз" деган даъватлари баайни юқоридаги ўғитга ҳамохангидир.

да ошириш ва кучайтириш бўйича қарор ва кўрсатмалар берилганлиги. Мамлакатимиз раҳбарининг Венгрия Бош вазири билан учрашуви ҳам чинакам маънавият байрамига айлиб кетди. Азалдан бу икки халқ ўртасида яхшигина маданий алоқалар йўлга қўйилган, ҳатто Амир Темур бобомиз ҳам венгриялик сайёҳларга катта ғамхўрлик кўрсатгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бугун эса ўзаро алоқалар янгича мазмун касб этмоқда. Ҳар йили юзлаб ўзбекистонлик ёшлар Венгриянинг нуфузли олий ўқув юрталарига ўқишга қираяпти.

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги келишувлар билан бирга илм-маърифат, маданият соҳасида кенг камровли ҳамкорликни йўлга қўйишдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор.

Ёшлар онгида миллий кадриятларга сadoкат, ватанпарварлик тўғрисида юксалтиришда маънавият суви ва ҳаводек зарур. Давлатимиз раҳбари бу йўлда, аввало, зиёлиларга, маънавият ва маърифат ходимларига, ижодкорларга таяниб иш кўрмоқдалар. Чунончи, миллий гоё тарихоти, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида "Ижод" жамоат фонди негизда Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилди. Бу жамағарга 120 миллиард сўм ажратилиб, бу маблағнинг 90 миллиард сўми худудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ўзбекистон уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10 миллиард сўми эса, мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга йўналтирилган бўлди.

Тасаввур килмасизми, давлатимиз раҳбари маънавиятни юксалтиришда зиёлиларга, ижодкорлар оmmasига қанчалик катта эътибор қаратмоқда. Зеро, Амир Темур бобомиз: "...Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳолидан оғоҳ бўлиб турди. Ҳар бир мамлакатнинг аҳолини, сипоҳу раият қайфиятини, турмушларини, ҳулқ-атворларини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасида алоқаларни ёзиб менга билдириб туриш учун динёвли, тўғри қалами кишилардан воқеанавислар белгиладим", дея таъкидлаган эди. Соҳибқирон бобомизнинг юқоридаги сўзлари айнан бугунги кўнмизга, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишларга айнан мос, айнан бизга қарата айтилгандек. Аждодларимиз уқтирганидек, айнан ҳозир тўғри сўзли, тўғри қаламли кишилар жуда-жуда зарур.

Мамлакатимизда кечатган бугунги ўзгаришлар, маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлардан қутулган асосий мақсад инсон омилга, инсоннинг бахтли-саодатли ва айни пайтда бугунги кундан рози бўлиб яшашига қаратилган. Барча жабҳаларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Агар бунга шубҳа қилсангиз, келинг, биз қураётган янги Ўзбекистонга боқинг, дейдиган замон келди.

Тасанно айттайман миллатимизга, Шак-шубҳа қолмади қудратимизга.

Ҳа, биз қураётган иморатлар қўзни қувнатадиган даражада хашаматли. Аммо кўнгли иморати-чи? Энг аввало, кўнглида қурилган каср, кўнгли иморати ўта мустаҳкам, пишик бўлмоғи керак. Демакки, маънан етук, маънан баркамол инсонгина жамиятнинг ҳақиқий бунёдкорига айланади.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг ўзига хос, ҳеч қимниқига ўхшамайдиган модели бутун олам аҳлини маҳлиё айламоқда. Аждодларимизга, улўғ боболаримизга муносиб воқис бўлиш учун интилаётган бугунги ёшларимизнинг кўзларида олов чакнаб турибди, юракларда яратиш ишқи жўш урмоқда.

Мамлакатимизнинг буюк келажакини, Амир Темур бобомиз айтганларидек, аздам катийлар, шижоат соҳиблари, мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, мард ва олижаноб инсонлар қуради. Келинг, барчамиз ана шу даъватларга муносиб бўлишга интилайлик.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

ТЕРМИЗИЙЛАР ДИЁРИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

— Йўл-йўлакай бошқа туманлардаги бунёдкорлик ишларини ҳам кўргандингиз, — деди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали директори Каюм Баймиров. — Кундан-кун ўзгариб бораётган Сурхондарё худди қайта ёзилган китобга ўхшайди.

Дарҳақиқат, биз бу китобни дастлаб бошидан охиригача, кейин охиридан бошигача ўқиб чиқдик, — яъники Термиздан Узунгача, Узундан яна Термизгача бўлган масофани босиб ўтиб, тарихнинг янги саҳифаларига кўз югуртирдик — бош-адок яккаш манзара: бунёдкорлик, бунёдкорлик ва яна бунёдкорлик. Замонавий иншоотлар — бозорлар, маданият саройлари, шифохоналар, янгидан ташкил этилган институт, университетларнинг филиаллари — ҳамма-хаммаси ёмғир пардаси остида худди Наврўз сайлига чиққан келинчақлардай саф торган эди.

— "Сунани Термизий" борми, — деновлик тadbиркор Исом Худойбердиевнинг тўйқус саволи бирдан ҳаммани ўзига келтирди. Кўнглидагидек жавоб бўлмагач, бош чайкади. — Менда бир нуха бор. Шунди берман. Термизий бобонинг кутубхонасида ўз китоби туриши керак. Ахир, бу ерга бутун дунёдан зиёратчилар келади-ку.

Вожаба, дунёнинг ишларини кўрингки, барака ёмғири нафақат бизни, ҳадислар тўпламини ҳам Имом Термизий зиёратгоҳига қайтариши керак экан.

Ҳа, суи ва илм бор жойда ҳаёт ҳам, рўшнолик ҳам бўлади.

Ёдингизда бўлса, мухтарам Президентимиз 2019 йилда Сароисё туманидаги "Тўполанг ГЭС"га ташриф буюрганди. Тарихий ташриф чоғида белгиланган қатор вазибалардан бири "Зарчоб-1 кичик ГЭС" истиқболли лойиҳасини амалга ошириш бўлиб, ўрнатилиши режалаштирилган 2та агрегатнинг умумий қуввати 37,4 МВтни ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги "2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари маъруз лойиҳа рўёбига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ахборот хизмати вакилининг таъкидлашича, жорий йилнинг 3 апрель куни маъруз иншоотнинг қурилиш-монтаж, сошлаш ва синовдан ўтказиш ҳамда автоматик тизим бошқарувини марказлашган ҳолда бошқариш ишлари муваффақиятли якунланди. ГЭС билан бир вақтда Зарчоб подстанцияси ҳам фойдаланишига топширилди. Бу подстанция замонавий ақли технологик қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, Зарчоб-1, Зарчоб-2, Тўполанг, Гулча ҳамда Регар подстанцияларини ягона энерготизимда бирлаштиради.

Равшан Байқулов сўзларига кўра, амалдаги йилнинг сентябрь — октябрь ойларида яна бир истиқболли лойиҳа — "Зарчоб-2 кичик ГЭС"и

БИЛИМДОНЛИК ДАЪВОСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бу рус тили ё у орқали ўзлашган сўзлар типига қиради. Сўзни ўз эгалари сингари айтиш ва ёшиз лингвистикада хато ҳисобланмайди.

Ой номларини oktyabr, sentyabr шаклида айтганимиз каби ёзасак, айтинг-чи, бунинг нимаси хато? Янги ёзувда жуналиш келишиги "га" нинг ишлатилиши ҳам баъзида тўғри эмас. Имло қоидасида унинг -га, -ка, -ка шакллари ҳам мавжудли-

гини, ўрни билан ана шу муқобилларни қўллашимиз лозимлигини тушунириш унутилган кўринади.

Ўзбек ҳеч қачон "тоғга чиқамиз" ёхуд "кучукга нон бер" деб талаффуз қилмайди. У "тоққа чиқамиз", "кучукка нон бер" дейди. "Раззоққа айтинг", "маблаққа бориб такалади", "милтиққа ўқ жойлади" каби ифода бирликларини -га (ga) жуналиш келишиги воситасида айтиш ва ёзиш, бизнингча, тўғри эмас.

"Ўзук тақган қиз" дейилмайди. Дейилмайдими, демак, ёзилмайди ҳам. Уни "таққан" шаклида ёзиш лозим. Ҳозирда 6-синф ўқувчиларига тавсия этилган "Она тили" дарслигида асосан тўғри ишлаб чиқилган қоидалар ичиде, афсуски, бизнинг фикримизни рад этадиганлари ҳам бор. "Жумладан, феълнинг сифатдош шаклига тегишли мана бу маълумот бизни ишонтирмайди: Жарангил г ўндоси билан тутаган феъл асосларига қўшилганда -дан ҳолида талаффуз қилинса ҳам -ган ёзилади: tug' - tug' gan".

Нега энди шу сўз айтилгани каби тўққан шаклида ёзилмайди? Демак, биз уни 90 йилдан бери хато ёзиб келган эканмиз-да? Афсуски, дарсликларда шу ва шу каби хато-чал-қашликлар гоҳо кўзга ташланиб туради. Тақлиф шуки, янги имло қоидаларини ислоҳ қилишда эскисини тамом инкор қи-

лиш йўлидан эмас, балки тамом эътироф этиш йўлидан боришимиз керак.

Яна алломалар номига қайтамиз. Мустақилликдан сўнг "Гёте"ни Хёте, "Генрих Гейни"ни Хенрих Хейни ё Ханрих Хайни, "Тагор"ни Тхакур, ҳатто "Сукрот"ни очик ойдил Соқрат дейдиган бўлишди. Қизиқ! Бувоқлар отини 100 йил ишлатиб, энди тахрир қилишнинг нима қераги бор? "Гёте"нинг нимаси ёмон. "Генрих Гейни"нинг-чи? "Тагор"ни Тхакур дейиш хато эмасми? Ўзбек тилида "тх" бир ўринда қўлланилган исм, ҳатто бирорта сўз мавжуд эмас. Илтимос, бирор қондани ишлаб чиқишдан аввал филолог олимларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, жилла курса, улар қандай ёзганини ўйлаб кўрайлик, ахир.

Инобатта олиш лозимки, адабий тил меъёрлари билан шева тили меъёрлари ўртасида фарк бор. Биз бу фаркни бар-тараф этиш керак деган фикрдан йироқланамиз. Баъзи сўзлар айтилганидек ёзилмайди. Академик Иzzат Султоннинг оғзаки нутқида "борадигон", "айтадигон" каби феъл, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов талаффузида эса "азувчи", "шагирт" деган от туркумига мансуб сўзлар қўлланди. Бирок улар эзма нутқда юқоридаги ифодаларни адабий тил нормасига мувофиқ қўллар эдилар. Демокчиманки, имло қоидаларини ишлаб чиқишда таниқли олимларнинг илмий тажрибасидан улги олиш лозим.


Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ, филология фанлари номзоди

«ТАНЛАНГАН АСАРЛАР»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Қаҳрамони ва Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти томонидан халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Ориповнинг икки жиллик «Танланган асарлари» чоп этилди. Мазкур нашрга шоирнинг энг сара шеър дostonлари киритилган. Китобларни Дониёр Бегимкулов нашрга тайёрлаган, Абдумажид Азим ва Шоди Отамурод масъул муҳаррирлик ҳамда шоир Вафо Файзулла муҳаррирлик қилган.



Мамлакатимизда ўтказилган «Китоб ҳафталиги» кунларида Тошкентдаги «Ёшлар ижод саройи»да ушбу икки жиллик тақдироти ўтказилди. Тақдиротида «Шарқ» НМАК мутасаддилари, китобни нашрга тайёрлашда иштирок этган ижодкорлар Абдулла Ориповнинг бетакрор ижоди ҳамда ушбу китоблар нашри билан боғлиқ жараёнлар хусусида гапирдилар.



Мамадали МАХМУДОВ «ЎЛМАС ҚОЯЛАР» «Firdaus - Shoh» нашриёти, 2021

Таниқли адиб Мамадали Махмудов (Эврил Турон)нинг "Ўлмас қоялар" романи биринчи марта китоб ҳолида чоп этилди.

Таъкидлаш жоизки, бу роман ўтган асрнинг 80-йиллар бошида "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинган бўлиб, журналининг ўша сонлари дарҳол йиғиб олинган, ўша даврдаги Ўзбекистон раҳбарларининг аралашуви билан адиб ҳимоя қилинган эди.

Кейинчалик ёзувчи 18 йил хибсада бўлгани ҳам унинг миллат ва юртга бўлган меҳри ва садоқатини синдира олмади. "Ўлмас қоялар" романининг китоб ҳолида чоп этилиши, шубҳасиз, катта воқеа.



Орзукул ЭРГАШЕВ «ЮЛДУЗЛИ ОСМОҢ» «Firdaus - Shoh» нашриёти, 2021

Жорий йилда таниқли адиб Орзукул Эргашевнинг "Юлдузсиз осмон" китоби ҳам чоп этилди. Китобга муаллифининг ўтган асрнинг 80-йилларида ёзган касса ва ҳикоялари киритилган.

Яқин ўтмишимиз — истиқлол давригача халқимиз, жумладан, ёшларнинг ҳаёти акс этган, ўша давр руҳи уфуриб турган касса ва ҳикоялар бугунги китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.



ҲАКИМ САТТОРИЙ «СОНАТА ТИЛСИМИ» Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019

Таниқли адиб Ҳақим Сатторий Лев Николаевич Толстойнинг асарлари таржимасига қўл уриб, ўзбек китобхонлари учун ажойиб тўхта хозирлади. Яқинда Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган китобда Лев Толстойнинг "Бечора Иван Ильич", "Крейсер сонатаси" ва "Сергий ота" каби машҳур кассалари жамланган.

Буюк ёзувчининг асарларида олмос кирраларидек жилва кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси эзуликка хизмат қилади. Умид қиламизки, юртдошларимизнинг бу асарлар мутолапасидан кўнглилари мунаввар бўлади.

Шухрат АЗИЗОВ

Халима АХМЕДОВА



Қарсиллатиб ёпар деразаларни, Шамолми ва ёки бир захил нафас. Тиржаар муз хўлаб қоп-қора соғинч: – Сан манда эмассан, сан манда эмас.

Маъно тўкилаётган осмон остида Қарғалар дунёга берар экан дарс, Қўзимга тикилди пажмурда дунё: – Сан манда эмассан, сан манда эмас.

Дарднок юрагини гижимлаб отиб, Яна дард қўйинга шўғидим бесас. Ҳавойи тириклик кўзига боқдим: – Сан манда эмассан, сан манда эмас.

Гарчи қайгу жонга ураркан оташ, Худодан қувонччи сўрайвердим қарз. Қувонч ҳам қошимга келиб йиғлади: – Сан манда эмассан, сан манда эмас.

Бўронлар қалбини ичмаганмидик, Чирпирак бўлмасан бугун мисли хас. Рухим кичкиради: “Қайда Халима?! У манда эмас-ку, у манда эмас”.

О, қисмат бу сенинг қўлинг эмасми – Хотирамга чизик тортаётган – вақт?! Ахир юрагимда тугатгани йўқ Гўзал соғинчлардан ортиб қолган шахд.

Кеча танишганим йўл ёқасида Ишқни қуйлаётган дарахтлар билан. Нахотки, гулларни тўкиб бир тунда, Қора сояларга айланди бирдан.

ҚЎҚСИМГА УРИЛАР СОҒИНЧИНИ

Севгини унутдим, бахтни унутдим, Қачондир унутдим қувонч рангини Ва ягирдан-ягир тун этагига – Артаман юракнинг заққум зангини.

Унутиб боряпман фасл ортида Беркинган чехралар, киёфаларни... Менга раҳм қилгин, раҳм қил, қисмат, Қутиб олишим шарт янги сахарни.

Чакмоқ хайкиради, осмон энқаяр, Ёмғирлар шивирлар соғинч тусида... Ва кимнингдир хазин қулгуси бордай Ожиз хотирамнинг ичкарасида...

Хавода учади бодом гуллари, Тонгинг эпкиннида нимадир пинхон. Дарёни соғинган ошқ сингари, Булутларни кучиб олади осмон.

Рухимни ёман настаниларга, Қонимда жимирлар аллақандай нур. Нигоҳим тўлдириб синган сирларга, Йиғлагим келади, бу қандай хузур.

Онамнинг қабрида ўсган майсалар Уйғониб, кимнидир қутқандир шу чоғ. Олис-олислардан қушлар қайтсалар, Дадамни соғиниб тўлғонгандир бог...

Менинг шоирлигим бир пулга қиммат, Соғинч ёниб турса теграмда лов-лов. Тириклигим асли ҳаётга тухмат, Мен ғам хошоқкида ёқилган олов...

Кўкдаги дарёлар тўкилар ерга, Усти-бошим эмас, фақат кўнглим хўл. Олиб кетмайсанми мени ҳам бирга, Кишлоғим томонга кетаётган йўл?!

Ишқни сузиб юрар намгин хавода, Ўзим тупроқману руҳим Худода. Ё денгиз, ё уммон соҳилидаман, Жоним қаприқади гулгун кабода.

Бу йўлда бунчалар умрим жонсарак, Гўё бир вужудда минг битта юрак, Тошаман, тошқиним жуда баланддир, Энди ишқ ҳақида афеонам бўлак.

Қайтиб келдим ўша дашти балодан, Қўнғил сўрадилар мен мубталодан.

Дунё найранглари тугамади ҳеч, Юзимни ўтирдим сен юз қародан.

Вайронлиг ичинда обод эдим ман, Мажнуу кишанида озод эдим ман. Бир сўзинг сеҳринда бунёдлигим рост, Бир сўзинг захринда барбод эдим ман.

Ўзимни чақирдим, жамулжам бўлдим, Фақат хижрониға танмахрам бўлдим. Ғаним иғвосию дўст фитнасида, Ё Аллох дедиму хотиржам бўлдим.

Ишқни сузиб юрар намгин хавода, Ўзим тупроқману руҳим худода...

Мироб булутларда тарона бордай, Юракда қонгалаш ноҳунинг изи. Кечиккан ишқ янглиг тўлдирди боз, Яйдок қунаримни настарин иси.

Осмон деворига урилган ҳаёл, Учаётган қушларнинг патидай тўзгин. Дилдан кесиб бердим, қўз ёшим – шарбат, Аммо нимагадир умидим озгин.

Кимдир келаяпти кўнглим шаҳрига, Тинглайман соғинчда гул нафасини. Ювман эринмай бедор тунларда Ғанимларнинг қора қах-қахасини.

Навроста барглари шитирлашини Озгин умидимга сўйдирдим ҳар тун Ва сўнгра ўйладим: нахотки, менман Ўзимни ўзимга айлаган афсув?!

О, гўзалдир яшил бог ичра ҳаёт, Бир баргда ниҳондир аввал ва охир. Ғамгин қуртакларнинг ичидан чикдим, “Дилхиҷроғ”ни қуйлаб берганда ёмғир.

Юксалдим – ўзимни озод айладим, Юлиб отдим қадим дил ярасини. Олис-олисларга олиб кетаман Мироб булутларнинг таронасини.

Қайгу гулин териб пиширдим шакар, Очқўз дунёсидан яширдим гавхар.

Жонимни тикқандим шу гавхар учун, Ҳайқирдинг: олганинг дунёга қайтар.

Куйлай десам, дединг: йиртилган ахир – Бахтнинг жаранглари битилган дафтар.

Йўқолиб қолганим гавхарсиз, куйсиз, Лутф этдинг: ўзингни ўзиндан ахтар.

Жоним ботқок ичра ураркан фарёд, Нечун қўзларимда унди нилуфар.

Кўнғилга чорласам севиб бахорни, Хазонни кўрсатдинг манга хар сафар.

Ишқнинг қўчасида адашганимда, Куйдирдинг сочимдан товоним қадар.

Чақирсанг қайси юз билан бораман, Мандан бор на нишон ва ё на хабар.

Йўлга чиққандирсан, келаятгандирсан, Елканга шамоллар ухлайтгандир. Майсалар қалбини тинглаганини, Суюниб-суюниб айтгандир ёмғир.

Йўл-йўлақай тошиб нур нигоҳидан, Жилмайгансан шудринг чучкирганида. Ифорга тўлгансан бир лаҳза, балки Гулларга шиддатинг тегиб кетганда.

Бу олам руҳини кавсарга чайиб, Аввалин охирга сўйдиргандирсан. Умид кимёсида тушқулик дардин Ювиб келаятган, билдим, ўша сан.

Қушлар қўзидаги яшил осмонни, Гоҳ қўшиқ этгансан, гоҳида ғазал. Келаяттиб хофиз бўлгансан балки, Шафакнинг юраги гупурган маҳал.

Йўлдасан, тоқатим борияпти тугаб, Яшмай мени сен қутяман ҳамон. Эй, менинг кимлигим англагувчи қун, Ҳузуримга етиб келасан қачон?!

Нафасинг тингласам, тинглаб шод ўлсам, Минг йиллик йўқликдан боз бунёд ўлсам, Вайрон айласалар, мен обод ўлсам, Ё жисмидан кечиб, рух озод ўлсам, Тилимда рақс этса хижронинг чўғи, Ишқ, мени йўқотиб қўйганинг йўқми?!

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

– Бу нима? – Ўрик. Отангинг ошнасига оборапан... Бизнинг ўриқдан ҳам татиб, бахосини берсин.

– Э, қизик одамсан-да, ошна, – қулиди Мамарайим. – Нима, ўрмонга ўтин орқалаб боришим қолуводи, энди?

– Нима китти? Хар юртинг хавосию хар гулнинг хиди бўлак, деб қўйибди. Шошма-шошма, – деди Мамарайим ногоҳ бир нарса эсига тугашандек. – Бултур, адашмасам, кимгадир тайинладим, қантакининг дағанадан опкеладани бўлди, дегандинг-ку, – деб ошнасининг юзига билдирмайтгани тиклиди.

– Айтгандим, – Мамаюсуфнинг ранг-рўйи тундлашди, – Шокиринг ўғлига икки-уч марталаб илтмос қилгандим. Бўлди бува, гап йўқ деганича, мана, хозиргача опкелади-да...

– Йўли тушмагандир, балки... – Мамарайим ошнасини юмшатмоқчи бўлди.

– Қаерда! – Мамаюсуф қўлини силтади. – Борган, эсиданам чиқмаган. Фақат, опкегиси келмаган. Бир қари қирриқ айтиди-қўйди-да, деб назар-писанд қилмаган. Вақти замонда бизга катталар иш буюрса, ўз юмушимиз қилиб кетсам, шуни қилардик. Хозирги ёшлар ўзгариб кетди, ошна. Катталарни унча хурматламайдиган бўлди.

– Ҳаммаси шундаймас-ку... – Ундан кўра, хизматини қилиб, дуосини олмайдими?! Кексаларнинг тажрибасим қатта бўлади, бундан фойдаланса барака топади-ку. Ана шунга жаҳлим чиқади-да менинг...

Шундан сўнг Мамарайим шу данакни опкеламан, ишим қолиб кетсам опкеламан, деган шахт билан йўлга чиққанди. Ота қадрониникида ҳафтача меҳмон бўлгач, бир халта данак олиб келиб ошнасини кўп хурсанд қилганди. Ҳамма хангома десангиз шундан кейин бошланганди. Мамарайим бува ҳозир ўша воқеани эслаб, қулиб қўйди.

Мамаюсуф августда экман, баҳорда кўчат бўлади, деган ширин ҳаёл билан халиги тугунни омордаги ҳарига илиб қўйди. Бир ҳафта ўтказиб хабар оларди, тугун йўқ. Эсхонаси чикиб, у ёққа қарайди, бу ёққа қарайди. Ҳеч қаердан тополмайди. Кампирини чақириб:

– Қани анув тугун, данак, – дейди зарда билан.

– Билмадим, – елка қисади кампирини. – Нимага билмайсан, шу ерга илиб қўйгандим, – чол қўли билан ишора қилди.

лади. – Ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди, – чол яна бир нималар деган қўйи ертўланнинг ўртасида серрайиб туради. Қайнога, қайноасининг бақир-чақиридан безовталанган келин шошилганча ертўлага тушиб келади. Гап нимадалигини билгач:

– Вой ўлмасам, менгина ўлай, – деганча бир четда омонатгина турган бир оёғи қийишқ стулга ўтириб қолади.

– Сен кўрмадингми?

Чол балки ундан яхши хабар чиқар, деган умид билан тикилиб қолди.

– Йўқ, – дейди-да, келини пик-пик йиғлашни бошлади.

– Нима бўлди, – чол бу гал юмшоқ гапирди. Нима бўлгандаям янги келин. Ранжитиб қўйса, ёш бир умр гина сақлаб юриши мумкин.

– Кўргандим, – деди у йиғлаб, – биттасини чақсам таттиқан, кейин қолганим...

Бу гапдан Мамаюсуфни ток ургандек бўлади, турган жойида шайтонлаб қолаёзди. Пешонасига қарсиллатиб уриб:

– Мен буни Исфаралек жойдан олғизиб келгандим-а! – дейди пастигина овозда. – Эсиз данак, эсиз меҳнат!

Бу чолга ёмон таъсир қилиб, юрагини чағаллаганча йиқилади. Қайнона билан келин уни ўзига келтиргунча бўлган бўлади. Шундан кейин унинг кўзига келини балодек кўриниб, анча вақтгача саломига алик олмай, аразлаб юрганди...

Уша йили қўқламда Мамарайим ошнаси билан унинг келини орасидаги совуқчиликни аритиш учун Исфарога яна бориб, ўша қантаки ўрик қўчатидан икки туپини олиб келади. Иккаловни бир туپини ховлига, биринсини янги бог этагига бирга ўтказди. Бу воқеа китобгаям кирган. Ўша пайтда Саид Аҳмад Қорадарё бўйига чайла тикиб, рўмонэмиди, қиссамиди, ишқилиб, бир нарса эшайтганди. Мамарайимдан бу воқеани эшитган Тўртқўлдаги хўжалик раиси Абдусамат Тиллабоев буни Саид Аҳмадга гапириб берди. Бундан таъсирланган ёзувчи “Ўрик домла” деган хикоясини ёзди. Саид Аҳмад бир гал чорбоғнига ўтиб кетаётди, Мамаюсуфнинг боғига бурилди ва хикоя чиққан журнални унга бериб, “Энди сиз билан кимёли дўст бўлдик”, дейди. Бог соҳибни ёзувчининг кўнглига ўтиришган чоғи, шундан кейин у Мамаюсуфнинг боғига тез-тез кириб ўтадиган бўлганди. Хар келганда Мамаюсуф Мамарайимни ҳам чақирар, учовлон тол тағидида ўчоқ бошига қумғонни қўйиб, қозонни осиб, шўрва ташлашар, алламоҳалкача ашп-

дан-лашгандан гурунлашарди. Саид Аҳмад деганлари қумғон чойни жула-жула хуш кўрар, мактаб-мактаб ичар. Бир гал: “Одамлар аҳмоқ бўлиб қоньяк ичиб, пиво симириб юрибди, ох-оҳ, ана мазаю ана маза!” деб икки ошнани қулдирганиди. “Ўлмасам сизлар ҳақида “Богбон чоллар” деган хикоя ёзаман”, деганим ёйида.

...Қандай ажойиб ошнаси бор эди-я. Мамаюсуф бурунги йили саксон етти ёшда қазо қилди. Охириги нафасини олаётган пайтда ҳам унинг ёнида эди, кўм-кўк томчилари бўртган қўлларини қафларига олиб, елкасини силаб ўтирганди. Мамаюсуфнинг нафас олиши оғирлашган, лабларидан хар бир сўз аранг сизиб чиқарди:

– Сендан... Битта илтмосим бор... Мақсудим ўғлини кўргани Россияга кетган, етиб келолмади-да. Унга айтганим гапим бор эди... Сен етказ. Ундан хабар олиб тур, насихат қил. Богдаги дарахтларимга тегмасин. Бирортасини кесмасин. Айниқса, қантакига хушёр бўл. У... У дарахт мен учун бошқача қадри... Мен ўтирган уйча, ёнидаги сўри қандок бўлса, шундоғича турсин. Хар-хар замон қозон осиб, савобини кампиримга, менга бағишлаб туринглар. Мендан рози бўл, ошна...

– Мингдан-минг розиман!

– Энди сен билан қўяматда кўришамиз...

Мамаюсуфнинг миждаларидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Мамарайим кафти билан ошнасининг кўзёшини артиб, очик қолган миждаларини охиста ёпиб қўйди...

Бу воқеага ҳам кўп бўлди... Хозир Мамарайим бува боғни ора-ларкан ўша қантакини яна кўргиси келди. Нимадалигини ўзим билмас, ичида ҳадикими, хавотирми, ишқилиб, алланамалар аралаш-қуралаш эди. У аллаговур бўлиб бог этагига қараб юра бошлади. Нимагадир у соғинган қантаки кўринмасди. “Охириги пайтда кўз қурғур хира торган, балки шунга кўрмаётгандирман”, деб ўйлади. Охиста юриб, бундан роппа-роса ўттиз йил аввал ошнаси билан кўчат ўтказишган жойига етиб қолди. Етдиюқотиб қолди. Тарвақайлаб ўсган қантаки ўрик йўқ, унинг шоҳлари кесиб ташланган, фақат танаси худди ечинтирилган одамга ўхшаб сўппайиб ту-

ришарди. “Нахот? Кесибди-да, бу аҳмоқ бола...” деган савол миёсида гир-гир айланарди, бу унинг тилигаям қўчди: “Ҳа, аҳмоқ бола-я, аҳмоқ бола-я...”, дерди тинмасдан. Юраги гулгиллаб кетди, турган жойига ўтириб қолди. Кўз олдида лоп этиб ошнасининг ғамгин киёфаси пайдо бўлди. Унинг: “Сенга нима дегандим-а?” деган овози шундоқ қулоқлари остида эшитилгандек бўлди. Шу ҳолида қанча вақт ўтганлигини билмайди. Ногоҳ келган таниш овоздан хушёр торди:

– Ассалому алайкум, Мамарайим бува!

Бува аста бош кўтариб, тепасида турган Мақсудни кўрди. У қулмисираган қўйи кўришиш учун қўлларини узатганча турарди. Чол жазавага тушди. – Нималар қилиб қўйдинг? – деди у. – Нимани айтаясиз? – йигит гап

нимадалигини ҳалиям англамаганди. – Нега ўриқни кесдинг?! – чол кўзидан шовиллаб қуйилаётган ёшни тўхтатолмасди.

– Энди... Қариди, чириди... Шунга... – Мақсуд каловланганидан нима деяётганини ўзиям унча англамаётганди, – бошқасини, янгисини, ундан ҳам зўрини... эк...

Бундан чол янаям баттар ғазабланди: – Бу ўрик отангга қанчалик қадри эканини билмасдинг?! Битта кўчат ҳосил бериши учун бир йилнинг умри етмайди! Бунақа ўрик бу депарада йўқ, биласанми шунга? Сенга, сен бетовфиққа отанг васиятини етказгандим чоғи? Отанг қурган, отанг ёнбошлаган, Саид Аҳмаддек таварик одамлар меҳмон бўлган уйчини буздинг, сўрини буздинг, индамадим, майли, дедим. Энди бу нима қилганинг?! Қандай қўлинг борди? Қачон айниб ултурдинг, сен бола?!

– Энди... Эскирган... шунга... – Бу ўрик хали яна юз йил турарди, юз йил ҳосил беради. Авлодинга хизмат қиларди. Яхши иш қилмасан! Отандан ёдгор эди бу! Эсиз одам кет! Мен эртага уёқда отангга нима дейман?! Қантаки туридимми ошна деса, нима дейман, нима деб жавоб бераман! Ҳайф сенга!

– Бува!

– Бува дема мени... Ўзинг тилимни кичитдинг, қани айт, отанг тирик бўлганда, энди қартайиб қолди, буёғига фойдаси тегмайди, деб уйдан қувиб солармидинг?!

– Нималар деясиз, бува?

– Ёки бўмаса тириклайин обориб гўрга тикиб келармидинг-а?!

– Худо сақласин...

– Бу қилмишинг шу билан бир хил эмасми?! Ҳалиям ҳукуматга раҳмат, иззатимизни жойига қўйиб юрибди. Сендақаларга қунимиз қолмасин.

Чол саннай-саннай боғдан этак силтаб чиқиб кетди. У то кечгача ўзи билан ўзи андармон бўлиб юрди. Не-варя келини олиб келган овқатга қараб ҳам қўймади. Юраги қаттиқ сикаётгани учун одатдагидан эрта ётди. Туш кўрди: Мамаюсуф билан бирга боғни айланаб юрганмиш. “Кел дўстим, соғиндим! Бог қалай? Қантаки роса мева бергандир?”, дермиш у. Мамарайим бува эса хижолатдан нима дейишни билмасдан нукул оёғининг учи билан ер чизармиш...

Мақсуд эрта азонда ўрнидан бош-

Ортиқали НОМОЗОВ



кача бўлиб турди. Ҳовли бўйлаб наридан-бери юраверди. Шу алфозда қанча вақт ўтганини билмади, шу пайт қулоғига жарчи Жўра қарнайнинг овози чалинди. У:

– О, хов! Ҳамма-ҳамма Мамарайим буваникига жаназога, – дея бутун қишлоқни қоматта келтирарди.

Мақсуд бу ноҳуш хабардан бир сескашиб тушди. Ота қадронининг кеча қўнглини оғритиб қўйганидан, бу ҳам етмагандек ортидан бориб, чолдан кечирим сўраб, узр-маъзур айтолмаганидан қаттиқ изтиробга тушди. Бироз ўтиб, ўзини йингиштириб олди-да, жанозага бориш учун тайёргарлик кўра бошлади...

Йигит жанозадан қайтгач, уйига-мас, тўғри ота боғига тушиб борди. Хар бир дарахтни силаб-силаб чиқди. Айниқса, қантаки ёнида узоқ туриб қолди. У қантакининг қални танасига сунганча пик-пик йиғларди. Анча вақт ўтгач ўзига келди. Бир пайт қантакининг эндигина ниш отган янги новдаларига қўзи тушди. “Ўзим билан овоза бўлиб эътибор бермаганимни кара-я, сен яна тириликсан-ку, қантаким”, деб у ўриқнинг бужур танасини силади. Ҳаёлида эса Мамарайим буванинг: “Отанг тирик бўлганда, энди қартайиб қолди, фойдаси тегмайди деб гўрга тикиб келармидинг?!” деган сўзлари жаранлагандек бўлди. Кексайди, энди мева бермайди, деб кеч қузда ўрик шоҳларини кесаятганидаги ҳолатини эслаб, ўзидан нафратланиб кетди.

“Қантаки яна гуллайди, яна ҳосил тудайди!” пичирларди йигит. Дарахтни ҳали ҳам тағ туби билан кесиб ташла-маганини ўйлаб, қўнгли ёриша бошлаганди унинг...

– О, хов! Ҳамма-ҳамма Мамарайим буваникига жаназога, – дея бутун қишлоқни қоматта келтирарди.

Мақсуд бу ноҳуш хабардан бир сескашиб тушди. Ота қадронининг кеча қўнглини оғритиб қўйганидан, бу ҳам етмагандек ортидан бориб, чолдан кечирим сўраб, узр-маъзур айтолмаганидан қаттиқ изтиробга тушди. Бироз ўтиб, ўзини йингиштириб олди-да, жанозага бориш учун тайёргарлик кўра бошлади...

Йигит жанозадан қайтгач, уйига-мас, тўғри ота боғига тушиб борди. Хар бир дарахтни силаб-силаб чиқди. Айниқса, қантаки ёнида узоқ туриб қолди. У қантакининг қални танасига сунганча пик-пик йиғларди. Анча вақт ўтгач ўзига келди. Бир пайт қантакининг эндигина ниш отган янги новдаларига қўзи тушди. “Ўзим билан овоза бўлиб эътибор бермаганимни кара-я, сен яна тириликсан-ку, қантаким”, деб у ўриқнинг бужур танасини силади. Ҳаёлида эса Мамарайим буванинг: “Отанг тирик бўлганда, энди қартайиб қолди, фойдаси тегмайди деб гўрга тикиб келармидинг?!” деган сўзлари жаранлагандек бўлди. Кексайди, энди мева бермайди, деб кеч қузда ўрик шоҳларини кесаятганидаги ҳолатини эслаб, ўзидан нафратланиб кетди.

“Қантаки яна гуллайди, яна ҳосил тудайди!” пичирларди йигит. Дарахтни ҳали ҳам тағ туби билан кесиб ташла-маганини ўйлаб, қўнгли ёриша бошлаганди унинг...



ХИКОЯ

ТУРКИЙ ТИЛШУНОСЛИК ДАРҒАСИ

Биз ушбу мақоламизда Алишер Навоийнинг тилишунослик ва лугатишунослик соҳасидаги илмий мероси ҳақида "Муҳокамат ул-лугатайн" мисолида фикр юритмоқчимиз.



Бу асар улуг мутафаккир серкира ижодининг яна бир муҳим жиҳати – моҳир тилшунослигини, илмда тенгсиз кашфиётчилигини намоян қилган.

Таникли олим Қосимжон Содиковнинг таҳлили, табили ва талқини остида 2017 йилда босилиб чиққан "Муҳокамат ул-лугатайн"ни Алишер Навоий умрининг охиридаги, аниқроғи, 1499 йилда ёзган. Олим мазкур асарининг Тўпқопи, Париж ва Фотиҳ кўлэма нусхалари ҳамда Тошкент ва Анкара нашрларини синчковлик билан ўрганиб, натижаларни солиштириб, уларнинг умумийлиги ва фарқларини аниқ-равшан қилиб батафсил ёритиб берган.

"Муҳокамат ул-лугатайн"да туркий тилнинг сўз бойлиги хусусида юзлаб мисоллар келтирилди, жумладан: "Урдак" сўзининг бир неча турларини етмишта алоҳида ном билан, эркакни "сўна" ва урғочисини "борчин" деб атайдилар, форс тилида эса фақат "мурғоби" атамаси мавжуд дейди. Шоир "ичмок" сўзи маъносининг "сипкармок", "тамшанмок" ва "бўхсамок" каби феълларини таърифлаб, байтлар келтиради:

Сокиё, тут болаким,

бир лаҳза ўзимдан борай,

Шарт буким, хар неча тутсанг,

лабо-лаб сипкарай.

Куйидаги мисолларда "йиғламок" феълнинг турли кўринишлари борки, улар хар хил ҳолатларни ифодалайди: йиғламосинмок, инграмок, синграмок(дара билан яширин, охиста йиғламок), ситкамок ва ўқирмок – муқобили инчикирмок (ингичка товуш билан йиғламок).

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,

Йиғламосинур-у кўзига келмас ёш.

Истасам давр ахлидан ишқингни

пинҳон айламак,

Кечалар гоҳ инграмакдир олатим,

гоҳ синграмак.

Ул ойки, қула-қула кироглатти мени

Йиғлатти мени демайки, ситкатти мени.

Ишим тоғ узра харён ашк

селобин сурмакдур,

Фирок ошубидин хар дам булут

янгиғ ўқирмокдур.

Мазкур асари билан Алишер Навоий ўз даврида, хали жаҳон тилшунослиги шакланмасидан олдин, Шарқ тилшунослигига асос солиди.

Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-лугатайн" асари илмий оламшумул кашфиёт бўлиб, дунё тилшунослигида тилларни типологик ўрганишни бошлаб берди, турли оилаларга мансуб тиллар: туркий, форсий ва қисман араб тилларини чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектиларини таъбиқ этди. Айниқса, икки тилини – форсий ва туркий тилларни қиёслаб, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, уларнинг матндаги ўрни, тингловчиға таъсири (замонавий тилшуносликда "прагматик" хусусиятлари), матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхтади. Мазкур тилларнинг лексик-стилистик, фо-

но-стилистик ва морфо-стилистик жиҳатларини ва шунингдек, уларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берган.

Мазкур асарда Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги борасида алоҳида тўхталиб, туркий тилнинг феълларға бойлиги, услубий қулайликларини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган ва уларнинг маъноларини форс тилида ифодалаш учун бир сўз эмас, сўз бирикмаси лозим бўлишини кўрсатган. Мисол тариқасида "турк алфозида "қимсанмок" ва "қизганмок" феъллари борки, уларнинг маъноларидан форсийзабон шоирлар бебахрадилар", деб таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий туркий тилдаги кўп маъноли сўзларнинг маъноларини ва қўланиш контекстларини тасвирлаб, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини батафсил ёритади. Унинг таъкидлашчи, кўп маъноли сўзлар туркий тилда кўп, форсий сўзларда эса бу нарса йўқдир; туркий тилда куюк, қўл билан тановул қилинадиган таомларни "ейдилар", суяк таомларни эса "ичадилар", хатто туркийларда "атала ичдим" деб айтадилар. Форсийлар емакни ҳам, чимакни ҳам "хўрлан" сўзи билан айтадилар.

Муқобиласиз айтиш мумкинки, "Муҳокамат ул-лугатайн" асари хозирги замонавий тилшунослик предметининг барча аспектиларини, жумладан, фонология, морфология, структурология, синтаксис, контекстология ва текстология, лексикография ва семасиология, сўз ясаш, фразеология, лингвокультурология, социолингвистика ва бошқа жиҳатларини қамраб олган шох асардир.

Шоир асарининг бошида сўз хусусида таъкидлаб: "Сўз ахли хирмонининг бошқочиси ва сўз қимматгаҳо тошлари хазинасининг пой-лоқчиси ва назм гулистонининг сайроқи булбули, яъни Навоий деб тахаллус олган Алишер шундай бир арз қиладики, унинг фикрича, сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир жойки, унда майда ва йирик маънолар тўпланган. Гавхарни дарёдан ғаввос олиб чиқади, унинг қиймати эса тошига қараб белгиланади. Сўзнинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шухрат қозонади ва ҳаммаёққа ёйилади. Нечунки гавхар қиймат юзасидан жуда кўп даражаларға бўлинади", дейди.

Бу борада хазрати Навоийнинг ўзи гаввосларнинг пешкадами бўлиб, яратган "дур шодаси" тенгсиз гўзал, пур маъноли ва ранг-барангдир. Сўз дур ҳам кўнгилда сўзға чечан киши орқали нутқ шарафига эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шухрат қозонади. Сўз дурининг кадри инжудан ҳам юксак, даражаси ниҳоятсиздир. Шундайки, яхши сўздан ўлган баданға тоза рух етади, ёмон сўздан кирик танға ўлдирувчи захар қуйилади, деб ёзди хазрат ўз асарида.

Улуғ шоир "Муҳокамат ул-лугатайн" асари билан учта етакчи буюк тил: туркий, форсий ва араб тилларининг ривожланишиға ва раванкиға катта хисса қўшган.

Исмоилхўжа ИБРАГИМХўЖАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий
университети доценти

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги

Атоқли адиб Ўткир Ҳошимов публицистикасининг энг яхши намуналаридан бўлган "Қалбнинг оппоқ дафтари" мақоласи бундан ропна-роса қирқ йил аввал — 1981 йилда ёзилган. Бу пайтда қишлоқ мактаби директорининг колхоз бригадирлигиға ҳам обрўси қолмаган, ўқувчи болалар эса захирадаги меҳнат армиясига айланганди.

Биз бу пайтда Ўткиржон билан "Тошкент окшоми" газетасида ишлардик. Ҳаётдаги ноҳақликлар, педагогларнинг муаллимлик қилиб рўзгорини дурустрок тебратолмай мактабдан оммавий кетиб қолаётгани ҳақида кўп гаплашардик.

Шунда бирдан Москвада чиқадиган "Литературная газета"да адиб Чингиз Айтматовнинг газетхонлар хатларига жавобан ёзилган "Тахчил... инсонийликми?" ("Дефицит... человечности") сарлавҳали мақоласи босилди. Ҳаётдаги истеъмолчилик каби иллатлар танқид қилинган бу мақолада муаллиф муаллимнинг эмас, қассоб, массажчиларнинг ошиғи олчи экани, жамиятни маънавий таназзулдан олиб чиқиш учун муаллимнинг мавқенин хар томонлама кўтариш, мактубда таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш лозимлигини ёзган.

Шунда "Адабиёт ва санъат" газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири Асқад Мухтор Ўткиржонни хузуриға чақириб, асл ўзбек руҳияти, урф-одатларимиздан келиб чиққан ҳолда муаллимни ҳимоя қилувчи бир мақола ёзишни таклиф этади. Халқ дарди билан яшайдиган адиб асли ўзи тўлиб юрган эди, Асқад Мухтор таклифига бажонидил рози бўлади. Тез кунда "Адабиёт ва санъат" газетасида адибнинг "Қалбнинг оппоқ дафтари" мақоласи эълон қилиниб, бутун республикада шов-шув бўлди.

Ўша пайтда 500 минг ададда нашр этилган газета тундаги чакмоқдай ярақлаб чиққан бу мақолага кўп акс садо бўлди. Газетхонлар адибға ёзган мактубларида муаллифға кўп раҳматлар айтиб, мақоладаги фикр-мулоҳазаларини маъқуллашган.

Ўша пайтда бошқа адиб ва журналистлар ҳам матбуотда муаллимни ҳимоя қилиб чиқишлар қилишган. Лекин мактабнинг, педагогларнинг моддий аҳволи ёмонлигича қолаверди.

Ўткир Ҳошимовнинг фақат "Қалбнинг оппоқ дафтари" мақоласигина эмас, балки адиб турли йилларда ёзган "Муқаддас қасамни бузганлар" мақоласи, "Ўзбек иши", "Дехконнинг бир куни" хикоялари, 80-йиллар бошида Ўзбекистон телевиденисиде олиб борган туркум давра суҳбатлари уни халқ дарди билан яшайдиган куюнчак адиб эканлигини кўрсатди ва эл-юрт хурматиға сазовор этди.

Ўткир Ҳошимов "Қалбнинг оппоқ дафтари" мақоласида кўтарган масалаларға бугун чинакам эътибор берилаётти. Олий ўқув юрталаридаги қабул имтиҳонларида коррупцияға эътибор берилди. Бу ўз навбатида мактаб ўқувчилари ўртасида яхши ўқишға бўлган иштиёқни кучайтиради, яхши ўқитувчиларнинг кадр-қимматини оширади.

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, муаллимларнинг яхши меҳнат қилиши ва дам олишиға шароит яратиш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборидеги масала бўлиб қолди. Учинчи Ренессанс мактаб оstonасидан бошланиши қайта-қайта айтилмоқда.

Мен Ўткир Ҳошимов билан Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да бирға ўқиганман. "Тошкент окшоми" газетасида ўн беш йил, "Шарқ юлдузи" журналида ўн йил бирға ишлаганман, гарчи биз тенгқур бўлсак ҳам Ўткиржонни устозларим қаторида кўраман: у ижодий ишимда мени тўғри йўлга бошлаган.

1964 йилда университетни битиргач, мен йўлланма билан "Сирларё ҳақиқати" газетасига бориб, тўрт йил ишладим.

Бир кун Ўткиржон менға кўнгирик қилиб, хол-аҳволимни сўрагач:

— Нега Тошкентга келмайсиз, мен билан кўришмайсиз, — деди.

— Чўлуварлар газетасида иш қўп, ишға кўмилиб ётибмиз. Онда-сонда Қўйликка бориб ота-онами кўриб келаман, Тошкент шаҳриға кам тушаман, — дедим мен.

— Ҳозир мен билан каердан туриб гаплашасиз?

— Бош муҳаррир қабулхонасидан.

— Тушунарли. Тошкентга келиб, олдимға кирсангиз, бир маслаҳатли иш бор.

Мен рози бўлдим. Навбатдаги яшанбада Қўйликка бориб, душанба куни Тошкентда Ўткиржон билан учрашдим. У мени кучок очиб кутиб олди. Кейин амалий ишға ўтиб деди:

— Алиазар, шунча вақт чўлувар журналист бўлганингиз етар. Сиз Тошкент вилоятидасиз, Тошкентда ишлаганингиз яхши.

Тошкентдаги журналистлар учун шарт-шароит Сирларёдагидан фарқ қилишини ўзингиз ҳам билсангиз керак. Тошкентда иждокор учун майдон кенг, ўнлаб газета ва журналлар чиқади. Ёзганингизни бутун республика ўқийди. "Тошкент окшоми"да бирға ишласак, хўп десагиз, муҳаррир билан гаплашаман.

Мен ўйлиниб туриб:

— Мен ҳозир эмас, тўрт ойдан сўнг келишим мумкин. У ерда қиладиган ишларим бор, — дедим.

Ўткиржон мени бош муҳаррир С.Кароматовнинг олдиға олиб кириб, орамизда бўлган гапни у кишиға айтди. С.Кароматов менин шартимға рози бўлди. 1968 йил февралдан мен "Тошкент окшоми" газетасининг санаот ва транспорт бўлимида мудир бўлиб ишлай бошладим.

ЭЛ СЕВГАН АДИБ



Суратда: (ўнгдан) Алиазар Эгамназаров, Ўткир Ҳошимов, олтинчи Омон Мухтор. Бўка тумани пахтазорларида. (1962 йил)

Ўткиржон газетанин адабиёт ва санъат бўлимиға мудир эди. Лекин муҳаррир ўринбосаридай мавқеиға эға эди. С.Кароматов "Окшом"даги кадр масаласини аксарият Ўткиржон билан маслаҳатлашиб хал қиларди. У тўғри маслаҳат берарди. Бир ҳафтада олти марта чиқадиган газетадeги меҳнат оғир эди. Лекин жамоа ахил, ҳамма Ўткиржонни хурмат қиларди. У газетадан кетганидан кейин "Окшом"да ўтган йилларни мионатдорлик билан эслаб турди. Дарҳақиқат, адиб ўзини бутун Ўзбекистонға таъинган асарларини, жумладан, "Баҳор қайтмайди", "Урушнинг сўнгги қурбони", "Дунёнинг ишлари", "Қалбнинг оппоқ дафтари", "Икки эшик ораси" каби асарларини шу жамоада ишлаган йилларида ёзган.

Ўткиржон 1982 йилда Гафур Ғуллом номидаги нашриётға бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ўтиб кетди. 1985 йилда "Шарқ юлдузи" журналиға бош муҳаррир бўлди.

1986 йилда мени Ўткиржон ҳамда журналиннг наср бўлимида мудир бўлиб ишлайдиган яна бир курсдошим, атоқли адиб Омон Мухтор чақирди. Ўткиржон олдимға катта папкани қўйди-да, қулиб шундай деди:

— Ҳамкасбар бир-бирлариға ердан бериб туришлари керак. Бу папкада академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотиралар бор. Уни олимнинг рафикаси Фотима Абдуллаева ёзган. Сиздан илтмос, шу эсдаликларни яхшилаб таҳрир қилиб, журналда чиқариш учун тайёрлаб берсангиз.

Мен Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотиралар солинган папкани кўлтигимға кистириб қайтарканман, йўлда ўзимча ўйладим: "Журнал таҳририятининг ўзида бу ишни бажариши мумкин бўлган одамлар турганида нега мени бу кўлэзгани беришди?" Бунинг сабабини кейинрок билдим. Ўртоқларим агар Алиазар шу топшириқни яхшилаб бажарса, уни журналға ишға оламиз, дейишган экан.

Мен кўлэзма билан танишиб чиққан Фотима Қобуловнаға кўнгирик қилиб, учрашмоқчи эканими айтдим. Опа мени уйға таклиф этди. Мен опанин олдиға беш-олти марта бориб, битта катта дафтари тўлдирдим. Сўнг эсдаликларни таҳрир қилишға киришдим. Фотима Абдуллаеванин "Шарқ юлдузи"нинг 1987 йил январь-февраль сонларида нашр этилган "Эл фарзанди" номли эсдаликлари журналхонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Шундан кейин орадан кўп ўтмай Ўткиржон мени яна чақирди.

— Алиазар, — деди у. — Сиз ахборот тарқатадиган газетадe ишлаш ёшдан ўтган одамсиз. У ердаги ўринингизни ёшиларға беринг. Энди салмоқдорок нарсалар ёшиға интилиш керак. Бизға ишға ўтсангиз, публицистика бўлими мудирлиги ўрни ҳозир бўш. Олдиндан айтиб қўйай, бу ерда "Тошкент окшоми"даги пул йўқ. Лекин бадиий журналда ишлаш ижодий истикболингиз учун яхши.

Мен бу таклифға рози бўлиб, журналға ўтиб ишлай бошладим. Журналда ўн йил ишладим. Билимдон, жиддий эътли инсонлар даврасида бўлдим. Журналда ўтган йилларимни миннатдорлик билан эслайман. Журналда ишлаб ёзганларим асосида еттига китоб чиқардим. Бу ёзганларим учун ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландим. Бунинг учун бутун журнал жамоасидан миннатдорман.

Менин Алиазар Ҳожиматов деган, физика-математика фанлари доктори бўлган, Москвадаги Гудкин номидаги нефть-газ университетининг Тошкент филиалида ишлайдиган кадрдон адашим бор. У бир кун менға шундай деди:

— Адаш ака, сиз ҳамкасбар билан чойхонада йиғилиб турамиз, деб бир-икки айтганингиз. Шу йининга ёзувчи Ўткир Ҳошимов ҳам келадими?

— Ҳа, Ўткир Ҳошимов келади, — дедим мен.

— Агар у ҳам келса, мени шу гапларингға бир олиб бориңг, мен индамай суҳбатларингизға қулоқ солиб ўтираман.

— Бу сизға нима учун зарур бўлиб қолди? — Мен ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг муҳлисман, асарларини қайта-қайта ўқиганман. Айниқса, "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобини кўп ўқиганман. Бу турган-битгани фа-сафига-қу, ҳаммаси айнан ҳаётнинг ўзини олинган гаплар. Мен бу адибнинг ўзи билан учрашиб, жонли суҳбатидан баҳраманд бўлигим келади.

Мен навбатдаги йингинимизға адашимни олиб боришға ваъда бердим. Афсуски, Ўткир Ҳошимов бегоблиги сабабли келолмади.

Ўткиржоннинг тоби қонганида тез-тез олдиға бориб турдим. У тобора кучдан-қувватдан қолиб, сўйли бошлади. Лекин унда умрим тугаб борапти, деган тушкун бир кайфиятни кўрмадим, бу ҳақдаги гап-сўзларини ҳам эшитмадим.

Мен хар гап уни кўргани борганимда кайфиятини кўтариш учун кизик-кизик гаплардан гаширардим. Бу гапларимға у қотиб-қотиб калдирди.

2013 йил 22 майда борганимда Ўткиржон уйда тўшакда ётарди. Унинг ранги оқарган, кўзлари ич-ичиға тушиб кетганди, қийна-либ нафас оларди. Унинг оғир аҳволға тушиб қолганини кўриб томоғимға бир нарса тикилгандай бўлди. Ўзимни узок тутиб ўтирилмас-лигимни билиб ховлиға чиқдим-да, йиғлаб юбордим.

24 май эрталаб Ўткиржон вафот этганини хабар қилишди. 10 май 2013 йилда дўстим Омон Мухтор вафот этганди. Умрим боғининг чинорлари бирин-сирин қулай бошлади. Одам кексайганда кадрдон инсонлари оламдан ўтиб, бир етимчадек бўлиб қолар экан. Менин икки кадрдоним — Омон Мухтор билан Ўткир Ҳошимов кетма-кет вафот этишганда ўзимни етимчадек ҳис қилиб, анча фурсат ўзимға кела олмадим. Мана, орадан йиллар ўтиб, бу инсонларни, хусусан, Ўткиржонни эслар эканман, у ҳақидаги ёрқин хотиралар кўз ўнгимдан ўтаверди.

Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

Тилимизға кейинги йилларда яшиғина ўрнашган "жалюзини" атамасиға роман-герман тилларидан ўзлашган бир сўз сифатида эътибор бермай келардим. Атоқли ҳинд адиби Тимери Н. Мурарининг дунёнинг ўттиздан зиёд тиллариға ўеирилган "Тоёж. (Буёк) Мўгуллар Хиндистони ҳақида роман"и (Taj, A Novel on Mughal India) бу сўз тўғрисидаги тушунчаларимни тубдан ўзгартириб юборди.

"Жалюзини" сўзи мен ўйлаганчаклик юксак технология асри атамаси, замонавий полимер маҳсулотлардан ясалган парда эмас экан. Унинг асоси хиндча жали, жалис бўлиб, жалюзини қадим замонларда, эрамизнинг бошларида хиндлар ўз иморатлари туйнуқлариға ўрнатилган экан.

Романиннинг бир сюжет чизиғи Аградаги машҳур Тожмаҳал қўшқидеги Аржуманд бегим ва подшоҳ Шох Жаҳоннинг сағаналарини

ўраб турган мрамар панжара, тўр, тўсиқни яратган уста — Ачарийнинг ҳаёт йўли, наққошлик маҳорати тасвирига бағишланган. Ана шу нақшкор тўсиқ, панжарани хиндлар, дарийлар жали дейишаркан. Хиндистонға сафар қилган ватандошимиз борки, мрамарға ўйиб ишланган, кўзни яйратиб юборадиган бежирим нақшлар, расмларни кўрган, уларни яратган усталар маҳоратини мушоҳада этган.

Бизнинг наққошларимиз ҳам худди шу йўсин гулу расмларни ёғочда, гандача яратишган, лекин бу тур асарларини тўсиқ, парда (русчасиға "ширма"), деб аташади. Ёғочдан ясалган турли шаклдаги тўсиқ, пардалар бугунги кунда нафақат тарихий обидаларда сақланиб қолган,

БИР СЎЗ ИЗИДАН

балки улардан хонадон ва бошқа иморатларда, муайян мақсадда қунадалик турмушимизда кенг фойдаланилади.

Ибодатхонау тураржойлар дераза ва эшикларига ўрнатилган хандасавий шаклдаги мрамар тўрлар безак визи-фасини бажариш баробарида нишоот ичида ҳаво алмашинувини, ёруғлиқни

таъминлаб турган. Шу тарика хонадаги нур ва соя ўйини дилларға ором бахш этган.

Иморатозодликнинг узвий қисмиға айланган жалилар хинд заминига турли мақсадларда борган мусулмон мезморлари диққатини тортган ва улар бу безакдан фойдаланишган, бора-бора у хинд-мусулмон мезмор-лигининг асосий унсурини айланган. Мусулмон мезморлари хиндийларнинг хандасавий шакллари баробарида мрамарға турфа ўсимликлар сура-тини солиб бойитади. Мрамартошлар ўйилиб, қимматбаҳо тошлар солиш урфаларига кирди. Масалан, XVI — XVII асрларда далаҳовли ва боғларда ўй-

мақори ёғочлардан қурилган ихчам иморатлар арабий ва туркий лаҳжаларда "қўшқ" деб аталган ва олмон тилиға қносқ кўринишида ўтиб, рус тили орқали тилимизға янги мазмун билан кириб келган.

Тилшунослар, тарихчилар "жалюзини" сўзи европа тилларига француз тили (jalousie — рашқ, ҳасад) орқали, мамлакатимизға эса Машриқдан, араб мамлакатларидан кириб келганини кайд этишади, лекин улар араб маданиятиға Хиндистондан қўчиб ўтганини билишмайди.

Қадим хиндлар жалиларни қандай мақсадда ишлатган бўлса, европа-ликлар ҳам шу йўсинда — хоналарда мўътадил ёруғлиқни таъминлаш, ҳаво алмашинувини яхшилаш, хонадаги нарсаларни бегона кўзлардан ҳимоялаш учун фойдаланишган.

Бора-бора жалюзилар амалдору бойваччаларнинг хонадонлари, идоралар деразаларига ўрнатили бошланган ва оммалашиб кетди. Қизик томони шундаки, жалилар Хиндистонда ҳам, Араб ва Европа мамлакатларида ҳам эмас, Америкада, инглиз дизайнери Жон Вебстер томонидан ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярмида санаот усулида ишлаб чиқарила бошланган. XIX асрнинг ўрталарига келиб америкалик санаотчи Жон Хэмилтон томонидан патентланган.

Қадим хинд заминиде пайдо бўлган жалилар шу тарика дунёға ёйилган ва асрлар оша элу элатларнинг иморатларига кўркамлик бахш этиб келмоқда.

Аскар ХАЙДАРОВ

РАНГСИЗ ТУШЛАР ОЛАМИ

“Аёл ярим қўлча шаклида ёхуд эмбриони эслатувчи ҳолда уйқуда. У худди бир умрида иккинчи бор туғилган инсондек, бироқ чинал ва қоронғу ўтмишининг доғлари эса унинг тушларидан ранги ўйирлаган...”



Бу ҳикояни “Рангсиз тушлар” фильми сценарийси эндигина қозғога тушаётган кезлар сценарийнавис Умид Ҳамдамовдан эшитгандим. Умид ака ҳикояни энг қизиқ жойида тўхташиб, қолганини катта экранда кўрасиз, деб қизқитиб қўйганди. 2019 — 2020-йиллар давомида Умид Ҳамдамов ва режиссёр Аюб Шаҳобиддинов, оператор Азизбек Арзиқулов ҳамкорлигида мазкур киноасар суратга олиниб, экранга чиқди.

Фильм тақдир тақозоси билан хорижга кетиб, қутилмаган руҳий зарбалар оқибати одам ўлдиргани учун “жисоиятчи” тамғаси билан 17 йилга қамалган, сўнг юртига қайтган Кашмира исми аёл қисмати ҳақида. У уч доирада ҳаракатланади: қоронғу ўтмиши, рангсиз буғуни ва номаълум эртасида. Биз Кашмира билан “аросат” деган нуқтада танишамиз. Оператор камераси гоҳ жамиятнинг унга қаратилган нигоҳи, гоҳ Кашмиранинг бизга савол назари билан ташлаган нигоҳини намойиш этади.

Картина бир қарашда ижтимоий мавзудаги драмага ўхшайди. Аслида эса, асарда ижтимоий воқеалар орқали инсон руҳияти билан боғлиқ саволларга жавоб изланади. Кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддиновга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

— Мазкур фильмингиз орқали томошабин билан нима ҳақда “гаплашмоқчи” бўлдингиз?

— Назаримда, бу фильм психологик драма, ўзинга яраша замонавий мавзудаги фильм бўлди.

2000 йили бир италялик драматургининг маҳорат дарсларига қатнашгандим. Дарслардан бирида бугун, хозирги шароитда қандай фильм олиш мумкин, деган масала атрофида гурун бўлганди. Драматург оддий, ўзинга тааллуқли бир манзарадан сўз очди. У Грузияга ташрифи чоғида тахқирланган қочоқлар, жамиятдан бироз узилиб, чодирда яшаётган одамларни кўриш, уларнинг турмуш тарзини ўрганишга қизиқиб қолади. Шу мақсадда бир аёл билан озрок суҳбатлашди. Аёл суҳбатдоши италя киносининг таниқли драматургини билгач, ўзини “Сиз нега айнан менинг олдимга кирдингиз?” деб савол беради. “Уйлайманки, ўшанда аёл менинг олдимда қандайдир қалби борлигини сезган бўлса керак, — деди драматург. — Бу унинг илк марта уст-бошига хафса билан қарашиди, ўзи эса эътибор марказида турганини ҳис қилишида кўзга ташланганди.” Драматург ҳикоясини хулосаларкан, қутилмаган ташрифи билан ўзини оғизга, ҳимоясиз ҳис қилаётган аёлга озгина ёруғлик улашолган бўлса, бундан мамнун эканини айтганди.



Лобар ҚОБИЛОВА суҳбатлашди

Давоми, бошланғич 1-сифада

Қайси алафлар ичидан униб чикди бу — ёстиқдоши, болаларининг онаси жонига қасд қилишгача бораётган эрак?! Ахир, бизнинг оғаларимиз, оталаримиз ташвида у қадар намойиш қилавермаса ҳам, ичида онаси, синглиси, кизи, аёлга чексиз бир хурмат саклайдиган инсонлар бўлмаганими? Ҳазрати соҳибқирон Амир Темурдай зот ҳам аёли отта минаятганида унинг зариф жонига қўлай бўлиши учун тиззасини тугиб бергани, хазрати Бобурдай инсон жуфти ҳалоли Мохибонунни отта ўтказиб, ҳеч кимдан нихолат бўлмай ўзи тулпор жоловидан ушлаб шёда юриб келганини тарихий асарларда ўқиганимиз-ку. Майли, буларни узок ўтмиш десак ёки ижодкорнинг хаёлот оламига йўйсак, ён-атрофимизда ҳам аёл, эрак садокатига тисмол бўладиган воқеалар оз эмас-ку.

Бир онлани биламан: ёлғиз ўғиллари бевафот вафот этган эр-хотин узок йиллар бир-бирига суяниб умргузаронлик қилишган. Вақтлар келиб, аёлни ҳам буқади, тўшаққа михланиб қолади. Эри унга инжмай, ранжмай қаради. Кўни-кўшиллар қачон бемордан хабар олгани келишса, ўрин-қўрпалар худди хозир алмаштирилгандек ораста, аёлнинг кийим-боши, юз-кўзида ҳам меҳрли парварниш изларини кўришар экан.

— Аяжонимизнинг қосиларига-ча ўсма қўйиб қорайтирасиз, сизда ҳам ёстиқдош бормикан бу оламда, — дея хайратланган эрак:

— Мен афгон урушдан тажанг, асабий бир ҳолатда қайтиб келганман. Нимадандир жаҳлим чикса, қўлимга тушганини хотинимга отардим. Уйларим кўравериб хаёт-мамот орасида қотиб қолган юрагимни шу аёл юмшати-

Шу ҳикоя ҳақида кўп ўйлаб юрдим. Мавзунини қандай талқин қилиш мумкин, деган фикр хаёлимдан кетмади. Қолаверса, ўтмишида тамғаси бор одам одамовчи бўлиб, жамиятдан ажралиб қолиши мавзунинг оғриқли нуқтаси сифатида ниҳоятда муҳим эди. Чунки бу жиҳатлар бизнинг менталитетимизда бор, яъни оила, маҳалла-қўйнинг фикри биринчи ўринда туради. Ҳўш, шу нарса сабаб ўзининг жиҳадларини ҳам воз кечиб юборадиган, унинг тақдирига таъсир этадиган даражада қарорлар қабул қилиш тўғриси, йўқми, деган савол менга тинчлик бермасди.

Бир хужжатли фильмда Жаслик қамқонасида ётиб чиққан йигит билан уюштирилган суҳбатни тингладим. Унинг ўзини тутиши бошқача эди. Орада бир ярим-икки метр масофа сақлайди. Туй-қусдан яхши гапирди, бу ҳам озгина муддат давом этади. Унинг одамларга ишончсизлиги тўлиқ йўқолмаган. Оддий ишлардан ўзи учун таскин топади: сартарошлик ҳунари боис бир одамнинг сочини олиб қўйгани, у одам иккинчи марта хузурига келганида хурсанд бўлади. Бундай одамларнинг жамиятга мослашиши, киришиб кетиши жуда муҳим жараён бўлса керак, деб ўйладим. Бу гапларни шунинг учун айтганимки, менда аввалдан шу ўй-хаёллар бор эди. Кейин Умид Ҳамдам-

мов айна шу мавзуда сценарий ёзганини айтди. Ўйлаганларимизнинг ўхшаш томонлари жуда кўп бўлиб, бу ҳолат ҳамкорликда ижод қилишимизга туртки берди.

Фильмни кўрганлар унинг сюжетини синчиклаб ўрганиш учун такрор кўриш истагида эканликларини айтишди. Аслида ҳаммаси 17-20 йил олдин бўлиб ўтган воқеалар. Экранда фақат Кашмиранинг ҳиссиётлари, тўқнашувлари, қалб синиклари мавжуд. Ўша хотира тасмаси қайтадан тикланганда, 17 йил аввал бир дастурхонда ўтириб қилган қарор қанчалик кўрқинчи бўлгани — аёлни ҳеч ким қутмагани, ҳаттоки, унга тегишли пулларнинг қайтиб келмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилиниб, талон-тароҳ этилгани тасвирланади. Шу сабаб, ота уйига тирик мурдадек қайтган аёл қаршида бутун оила “актёрлик” қилишига тўғри келади. Атрофдагилар орасида унга нисбатан ишончсизлик, иккилангиш йўқолмайди. Масалан, ҳеч ким у билан бир оғиз кўнглини топиб гаплашиб кўриш кераклигини хаёлига ҳам келтир-майди. Фильм орқали айнан шунини айтмоқчи эдим. Яъни у билан гаплашишни томошабинга қолдирдим.

— “Рангсиз тушлар” қайси дидар жиҳатлари билан менга “Паризод” фильмингизни эслатиб юборди...

— Тўғри пайқабсиз. Ижодий гуруҳга ҳам шу фикрни айтганимда, яъни бу фильмда ҳам Паризод бор, деганимда ҳайрон бўлишганди. Кашмира ҳам Паризод, фақат у фарқи эмас. Фарқи шундаки, у жиноят тамғаси босилган фаршга.

“Рангсиз тушлар”нинг юки “Паризод”га қараганда икки баравар оғир бўлди. Кашмира отаси билан гаплашадиган сахнада сўз йўқ, лекин улар кўзлар орқали гаплашади. Паризод овлоқ жойдаги далаҳовлига ташлаб кетилаётган пайтда “Нимага менга бундай муносабатда бўла-япсизлар?” деб қўзғали билан мурожаат қилган бўлса, бу фильмда Кашмиранинг укаси жуда қаттиқ қойиб, тамға босилиши бошлаганда, аёл отаси билан нигоҳлар орқали “Аслида сизлар ўйлаганчалик эмас!” деган мазмунда гаплашишга ҳаракат қилади. Кашмира одамлар оқирғича қизиқиб суриштирмаган, жиноятчи тамғаси босилган ҳолатида отасига қарашга мажбур бўлган қаҳрамон, Кашмира, аввало, яраган олдидан тундоқор эканини ҳис қилади. 17 йил давомида ибодатини қилиб, тозаланиб, руҳан покланиб, онасига келишга ҳаракат қилади. Оиласи орқали керакли “ранглар”ни қайтаришга уринади. Лекин ҳали бунга она тўлиқ тайёр эмасди. Гаплашиш имконияти пайдо бўлган соғинада фильм ниҳоясига етади ва айна шу нуқтадан Кашмиранинг янги ҳаёти бошланади. Аёли ҳам, ниҳоят, хотираларига қанақадир “ранглар” кирилади. Яъни хотираси билан чўчимасдан юзлаша олади. Унинг оламига қандайдир тоза ранглар қайтади.

«СЕНГА ЙЎҚДИР БЕГОНА, ЭСКИ ШАҲАР ЯГОНА»

ёхуд ўхшамаган қўшиқлар ҳақида

Маъноли ашула, гўзал мусика тингловчининг маънавий дунёсини бойитади, эстетик дилини ўстиради, унга олам-олам завқ бағишлайди. Афёуски, сўнгги пайтларда телеканаллар орқали миллионлаб мухлислар эътиборига ҳавола этилаётган айрим қўшиқлар ҳақида бундай дейиш қийин. Мисол учун, 2020 йилнинг 4 август куни эрталаб соат 8.50да “Зўр-ТВ” телеканалда Жасурбек Мавлонов ижро этган “тарона”нинг сўзларига эътибор беринг:

Майини-майини ётиб келавер ёмғир,
Сени менга, мени сенга учраштира ёмғир.

Авалло ёмғир, қор, шамол, бўрон ҳам табиат ҳодисаси. Уларга “майини ётиб кел”, “қаттиқроқ ётиб ўт” деб буйруқ бериш ёки иттимос қилишнинг ўзи қулғили. Агар муаллиф ёки ижро ўзининг қалб кечинмаларини ёмғирга, табиат манзараларига, ҳодисаларига уйғунлаштироқчи бўлса, бу мавзуда мумтоз адабиётда ҳам, замонавий шеърятда ҳам ёрқин мисоллар жуда кўп. Фақат бирозгина изланиш, ўқиш, ўз устида ишлаш керак, ҳоло. Лоқал хушовоз хонанда Қумуш Раззоқова ижросидаги қўшиқнинг “Ёмғир ёғди майда-майдалаб, майда-майда бўлди юрагим” мисраларини ёки атоқли шоир Омон Матжоннинг:

Айтолмайин чекиб оху юлалар,
Ерга қўқсим қўяр бўлсам ногаҳон,
Юрагимдан хабар тогдан лолалар,
Фарёд солиб кирга чиксин бағри қон,

каби бетакрор ўхшатишларини олинг. Мана, ошпақ қалб кечинмаларини табиат билан уйғунлаштириш маҳорати! Ҳали Жасурбек Мавлоновнинг хонишини ҳазм қилиб улгурмасдан унинг ортидан яна шу канал орқали Тўлқин Жабборовнинг ашуласи эфирга таралди:

Анжир, олма, анор мевалариндан,
“Вотти-вотти” деган шевалариндан.

Агар “мева”га “шева”ни қўйиб қилганини айтмаса, бу мисраларда ҳам “пичоққа илинадиган” бирор маъно йўқ. Бизнингча, бу мисраларни ёзган қаламкашнинг ҳам, унга қўй басталаган бастакорнинг ҳам, хонанданинг ҳам савияси бир хил экани қўриқиб турибди.

Телеканалларда сўнгги пайтларда янграётган қўшиқларда ижронининг исм-фамилияси ва қўшиқнинг номи эълон қилинади, ҳоло. Ваҳоланки, битта қўшиқнинг дунёга келиши учун шоир, бастакор ва ижрочи бир-галликда меҳнат қилади. Нега қўшиқ тагига уларнинг номи ёзиб қўйилмайди? Ёки шеърини ҳам, мусикани ҳам ижронининг ўзи ёзаяптимикин? Мазмунан саёз, чала думбул қўшиқларнинг қўлайиб бораётганига, эҳтимол, шу ҳолат сабабчи. “Чумчуқ сўйса ҳам қасос сўйсин” деганларидек, ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул эмасмикин?

“Менинг юртим” телеканалда хонанда Дилсўз қўйлаган қўшиқ ҳам мазмун ва савиясига кўра юқоридаги хонанидан “қолишмайди”.

Эр кўзлари менда эмас,
Дарёга айланди кўз ёшларим.

Юртим дарад чекиб қийналганим билмадинг.
Ким дея ёнасан, кимга парвонасан?
Кўнглингда бошқаси борлигин жоним билмадинг.
Клипининг давомида “Кечирдим”, дейди қиз. Йигит унга совға беради. Шу билан қўшиқ тугайди. Ҳўп, юқоридаги сатрларнинг мазмунини кўя турайлик. Агар қизнинг кўнглида бошқа биров бўлса, йигит яна нега ундан кечирим сўраяпти. Мантис қаерда қолди?

Энди Сардор Расулов ижросида шу канал орқали янграган “Мени эслаб” номли таронадаги сўзлар қоршамасига эътибор беринг:

Куйган дилим вайронгинам (20 марта)
Мени эслаб турасанми?
Тушларингда кўрасанми?
Қайда бўлмай ёдимдасан,

Ортимдасан, олдимдасан.

Мени эслаб турасанми?
Кенг бўлди тор кўчалар,
Қолди шовқин кечалар.
Сенга йўқдир бегона,
Эски шаҳар ягона.

“Куйган дилим” ку тушунарли. Бироқ “вайронгинам” деб лирик қаҳрамон кимга мурожаат қилаяпти? Агарда севглисига мурожаат қилаётган бўлса, унда “Вайронгинам, мени эслаб турасанми, тушларингда кўрасанми?” деган ибора қулқоққа жуда ғалати эшитилади. Аёл кишига, айниқса, қиз болага ҳали ҳеч ким “вайронгинам” деб мурожаат қилмаган, шекилли. Матнинг давоми бундан-да ғалати: “Кенг бўлди тор кўчалар, қолди шовқин кечалар. Сенга йўқдир бегона, эски шаҳар ягона”. Тор кўчаларнинг кенг бўлганини тушуниш мумкин, аммо “шовқин кечаларнинг қолгани” дан бирор маъно топиш қийин. Ҳўп, шовқин кечалар ўтмишда қолгани дейлик. Унда ўтмишда қолган кечаларнинг кўчаларнинг кенгайишига нима алоқаси бор? “Сенга йўқдир бегона” деган жумла тушунарли. Шу жумлага “Эски шаҳар ягона” деган гапни супер елим билан ёпиштирсангиз ҳам ёпишмайди-да, ахир! Бу ўринда “бегона” сўзи “ягона”га шунчаки қўйиб учун келтирилган, ҳоло. Бундай “юлдуз” ва “юлдузча”лар томонидан ижро этилаётган замонавий “дил изхорлари”, маза-матрасиз қиллару чала думбул қўшиқлар миллий турмуш тарзимиизга таҳдид солаётган “оммавий маданият”нинг таъсири эмасмикин!

Ёрқинҳўжа Умаров ижросидаги қуйидаги тарона юқоридагилардан ҳам ўтиб тушди:

Амитабх Баччан, Абхисек Баччан, бай, бай, бай.

Бу нима? Қўшиқми ёки... Машҳур хинд киноолдузи ва унинг ўғлининг исм-фамилияси қандай қилиб бутун бошли бир қўшиққа маъно бўлиши мумкин? Очиги, бу хонишини нима деб аташни, унга қандай муносабат билдиришни ҳам билмасликни киши.

Тўғри, сўнгги йилларда ўзбек қўшиқчилиги санъатига кириб келаётган ёшлар орасида ўзинга хос овози ва услубига эга бўлганлар ҳам бор. Улар орасида хонанда Малика Ўғамбердиева нафақат ижро услуби, балки ички маданияти, одоби билан ҳам бошқалардан ажралиб турди.

— Аслида ижоднинг мавқени йиллар белгилаб беради, урф ёки бренд ортидан қувиб айрилган қўшиқлар узок яшамайди, — дейди хонанда яқинда “Маҳалла” газетасига берган суҳбатига. — Улар нари борса бир мавсум чидайди, ҳоло. Санъаткор қуйин қандай тушунса, сўзини ҳам шундай англаши, дид билан саралай олиши зарур. Акс ҳолда, қўшиқнинг умри қисқа бўлади. Қолаверса, бу санъатга, сахнага, мухлисларга хурматсизликдир. Дарҳақиқат, сахнага чиқиб келиш, қўлашнинг маъсулияти оғир. Сўзга эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Биз кўпича аёлларнинг қувонч дарди, муҳаббатно армонини, туйғуларини оҳанга соламиз, улар номидан қуйлаймиз. Таъбир жоиз бўлса, сахнага уларнинг шаъни, ибосини олиб чиқамиз. Шундай экан, аёллар оғурига муносиб сўз оҳанг орқали ёйилишига йўл қўйишга ҳақимиз йўқ. Либос инсон ҳақидаги илк тасаввурини беради. Шу маънода хонанда либоси мухлислар гашига тегишли керак. Устозларимнинг бир ўғити сира ёдимдан кўтарилмайди: “Сахнага чиқкан одам ҳаволиниб кетмаслиги, ўзини қандай тутиши ҳам билиши лозим. Акс ҳолда, худди тоғдаги улкан харсанг жойидан қўчгандек шовқин солиб қулайди”.

Самарқанд

Ёр МУҲАММАД

ШУНДАЙ ВАТАНИМИЗ БЎЛАТУРИБ...

ди, қайтадан яшагача иштиёқ уйғотди. Шунинг учун қурбим етунича аёлимни ҳеч кимга сарғайтирмаман, — деган экан.

Бундай жуфтлар оз эмас. Аммо ўша рашиқ туйғулими, бошқа сабабми хотиннинг тирикликдан насибасини узган, болаларнинг бағрини айрилиқ аёзларидан музлатган эр, ота энди буёғига қандай яшар экан?..

Дўсти жонидан жудо қилган кимса-чи? Сархушлиги боис йўқотган ақлини энди топгани билан, нон-туз бўлган яқинини топармикин? “Улфат” деган миллатимизга хос жозибали сўзга унинг пичоғидан қон сачраганини ўзи сездиимикин? Ахир, улфатчилик ҳам қон-қариндошлиқдай меҳр-оқибатнинг бир тури эмасми биз учун...?

Мен бир улфатлар ҳақида эшитган эдим. Ёш йигит вафот этиб, унинг рафикаси икки фарзанд билан бева қолди. Эр-хотин Меҳрибонлик уйдан чиққан бўлиб, ижара уйда туришар, оила бошлигининг саломатлиги яхши бўлмасда-да, оила шахсий ўйи ҳаракатида эди. Бошпанаси омонат аёл болаларини ўзи ўсган Меҳрибонлик уйига топшириб, олис-олисларга ишлагани кетмоқчи бўлади. Бу хабарни эшитган эрининг улфатлари йиғилишиб гапиришиб олишади.

— Оғайнимизнинг болалари етимхонага берилса, ёшгина хотини нотаниш бир юртга, номаълум одамлар орасига ишлагани кетса, бизга иснод эмасми? Кимнинг қанча қурби етса ўртага ташласак, буларга ичмагина бўлса-да, бир бошпана олиб берсак, савоблар қоларди. Қолаверса, ўртоғимизнинг руҳи ҳам шод бўларди, — дейишди.

Яхшилик яхшиликка доя бўлади, деганларидай, энди ўша бева аёл ҳам, унинг фарзандлари ҳам улфатларини тинмай дуо қилишди. Болаларига ҳам уларни ўрнат қилиб кўрсатади. Мана, биз ибрат олишимиз лозим бўлган улфатчилик! Мана, миллатимизга хос бўлган танглик. Нега энди шундай ибратлар кўз олдимизда турганда қимлардир ҳалқимиз минг, миллион йиллардан буён кўнгли тўрида асраб-авайлаб келаётган қадриятларга лой сачратиб юрибди...

— Юрагим “зирк” этади... “Бир пайтлар ўзи уйини таъмирлаган одамнинг хонандига кириб, кўз ташлаб юрган пулини ўмарди. Бу муҳши воқеага гувоҳ бўлиб қолган болаларни сим билан бўғиб...”. “Келин қайноқинини болта билан чопиб ташлади...”. “Воёга етмаган ўсимир ниҳосиз тугилган боласини ахлатхонага ташлаб кетди, кечаси гўдақни итлар...”.

Қўлоқларимни бекитаман, кўзларимни юмаман, барибир бундай шумхабарлар йўл топиб юрагимга чакирверади... Нима хохлаяпти ўша йўловчини адал, йўлидан адаштириб қимсасиз жойга олиб бориб пулини олгач, ўлдириб ерни қовлаб қўйиб кетган хайдовчи? Нима керак эрига маргумиш бериб нариг дунёга равона қилган хотинга? Ахир, худобехабар қуларимиз, “шит” этган шарпадан ҳалиқсараб яшайдиган замоналаримиз орқанда қилиб кетган бўлса... Ай-тур сўзимизни айта олаётган бўлсак, бўғимизда биров сикмаётган бўлса... Қимирлаган жон борки, қозони қайнаётган бўлса... Давр “Ўки!” “Қасб ўргани!” “Ишла!” деб даъват қилаётган,

фақат даъват эмас, айнан шу ҳаракатлар амалга ошиши учун қўмақдош бўлаётган бўлса? Айниқса, қотиллар орасида бу оламга йўқдан бор қилиш учун келган, айнан зиммасига Оллоҳ тарафидан инсон яратишдек улуғ бир вазифа оқлатилган аёлларнинг ҳам борлиги кишини изтиробга солади. Ахир, ҳаётимизда андаза олишимиз мумкин бўлган аёллар ҳам кам эмас-ку.

Хизмат вазифам тақозосига кўра, яқинда бир қайнона билан ҳамсуҳбат бўлдим.

— Келинимни олганимда биринчи курс талабаси эди. Ота-онаси, тарбияси ёки қолиб, уйдагилар “Ҳали ўқийди, ёш” дейишса ҳам “Ўзим ўқи-таман”, деб ваъдалар бериб олганман. Бир йилдан сўнг фарзандли бўлди. Жиш чақалоқни олиб қолиб, келинимни ўқишига жўнадим. Тақсидда бориб катта танаффусда эмиздиклар келардим. Қудам: “Бунақа азобланиб юрманг, сувийи оқватлатиришга ўта қолинг”, деса ҳам “Она сутидан маҳрум қилсам мени Худоям, бандаям кечирмайди”, деб ҳаммасига чидадим...?

Ўша кун она-қиздай иноқ яшаётган қайнона ва келиннинг бахтга тўлиқ ҳовлисида бундай қулқоққа ёқадиган гапларни эшитиб ўтириб, яна айрим оилаларимизда юз бераётган муҳши қотилликларини эсладим. Қимларга нимага тақдирдан рўй бермоқда бу ёвузликлар? Ахир, биз меҳр-муҳаббатни, оқибатни қадрият даражасида сийлаган, бу туйғуларни яшаш шартларимизнинг бири сифатида қабул қилган миллатимиз-ку!..

Эсимда, дадам 47 ёшида тўсатдан юрак хасталиги билан оламдан ўтиб қолди. Қутулмаган ўлим онамнинг пўлат продасини букиб ташлади. Сочлари, тишлари тўқилиб кетди. Қўшни қишлоқда онам билан бирга институтда ўқиган Жумагул исми дундосан бор эди. У хар шанба кун неварасини орқасида кўтариб(келини уй ишларини бемалол қилсин, десалар керак-да) ўн тўрт километр йўлни пёда босиб бизники келарди. Онамга далда бера, бирга йнлашар, бирга овуншарди. Яна яқинбада шунча йўлни босиб изига қайтарди. У пайтлари хозиргидай озгининг шамолга тақси келаётган замон эмасди. Мен у пайтларда бундай келиб-кетиш қиммати, баҳосини хозиргичалик англамаганман. Лекин энди биламанки, инсоннинг инсонга дўстлиги, ҳамдардлиги оғир қайғуларни ентиб ўтишга ёрдам берад экан.

Нима демоқчиман? Ҳаётимизга нотинчлик раҳна солмаётган, қаҳатчилик хатар йўқ бўлса-да, турмушимизни бутунлай тўқиса, бекам, бешиқаст деб айтолмайми. Бир кам дунё, дейдилар бунди. Шу камни меҳр-оқибат, муҳаббат билан тўлдириб яшаш мумкин-ку. Мен бир пайтлар умрининг 25 йили қамқода ўтган, бир қатагон умри тугамай, яна бир қатагонга хайдалган Анна Баркова исм-шарифли рус шоирасининг шеърларини ўзбекча айлантирганман. Шоиранинг бир шеърли: “Замон ёвуз бўлса, унинг фарзандлари ёвуз бўлмасини!” деган сатр бор эди. Бу гап Чўлпонлар, Абдулла Қодирийларнинг беғуноқ қони тўқилган ўттиничинчи йилларга, Ойбек домлани тилдан қолдирган олтиминчи йилларга, миллатимизнинг сара фарзандларини

“Ўзбеклар иши” баҳонасида яна бир сира ўриб ташлаган саксоничи йилларга тўғри келади. Бугун қайси юз билан даврга оёқ босиш мумкин? У бераётган меҳр, инсоний муносабатларга шак келтириш мумкин? Гуноҳкорлари ҳам бағрикенглик билан афв қилинаётган юртда қотиллик қилиш фақат қотиллик эмас, қотилликнинг ўзи-ку! Эҳтимол, кимдир: “Ўттиз олти миллионлик халқ ичида бармоқ билан сарнари (гарчи бугун бундай дил оғиртар ҳолатларни санашга бармоқлар етмай қолган бўлса-да) воқеаларга бунчалик аҳамият бериш шартми? Аслида ёмонликларни қамроқ айтиб, қамроқ эслаш керак, чунки сўзга ўша хиссиётлар қуввати сакланади”, дея эътироз қилар. Тўғри, мен ҳам бундай ҳодисалар ҳақида Ўзгим келиб ёзмадим. Лекин тоза нарсача бир чирик тушса, уни олиб ташлаб ўрнига керакли малҳамни қўймасанг, ўша тозаланиш ҳам бир кун чиритади. Албатта, фақат мен эмас, миллатни севганлар, унинг қадриятини қадрлаганлар, унинг шаънини ўз шаънидай қабул қилганларнинг ҳаммаси шундай ўйлашга ишонаман.

— Шундай беназир Ватанимиз бўла туриб, шу Ватан учун зўр ишлар қилиш имкони бўлатуриб, ичдан тиг, сиртмоқ кўтариб келаётган ёвузликни енга бермаслик, Оллоҳ омонат учун олган жонга қасд қилиш эзгуликнинг донгил йўлларида чиққан Ватанга хиёнат, одамизотни яхшилик учун Яратган Зотга қилган исёндир. Фақат шугина эмас, қўлини булган банданинг икки дунёсини қуйирадиган гуноҳдир. Қисмат хар бандани бундай гуноҳ юқини тортишдан асрасин!

Қутлибека РАҲИМБОВЕВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

Галерея

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, хайкалтарош Жолдасбек Қуттимуратов ижодидан намуналар



Келин (1965-66).



Маржон қоялар маликаси (2002).



Соҳибжамол (2000).



Амударё (1968).



Уzun бош кийимли қиз (1966).

Пойтахтимиздаги "Наврўз" этнография боғида "Кулоллар сайли" миллий кулолчилик махсулотлари аукцион савдоси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги "Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 5033-сонли қарори ижроси доирасида Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиздаги барча кулолчилик мактабларининг вакиллари — уста кулоллар, хунармандлар, тадбиркорлар, мутаассадди идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Ҳар бир вилоят кулолчилик мактабининг буюмлари нафақат шакл-шамойили, балки ранглари билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Риштонлик кулолларнинг идишларида мовий ранг устулик килса, андижонлик кулоллар саргимтил ранглардан унумидан фойдаланадилар. Уста кулолларнинг маҳорат дарсларида ёшларнинг фаоллиги бизни хурсанд қилди.

лантиришга қаратилаётган эътибордан мамнунмиз, — дейди риштонлик уста кулол Ганижон Элибоев. — Бугунги кунда туманимизда барпо этилган Ку-

таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2018–2020-йилларда 32,6 миллиард сўмлик 1126та ку-

— Миллий кулолчилик махсулотларини ташқи бозорларда кенг тарғиб этиш ва савдосини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Хунарманд» уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев. — Шу мақсадда 16 та хорижий мамлакатнинг йигирма тўртта шаҳридаги элчионалар биноларида, йирик шаҳарлардаги кўргазма зали ва савдо-дўконларида жами 1,7 миң кв.метр майдонда кулолчилик махсулотлари кўргазмаси ва савдоси ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Хорижий мамлакатларда ташкил этилаётган кўргазма зали ва савдо дўконларида «Хунарманд» уюшмаси тасарруфидаги "Craft and art" МЧЖ томонидан икки миллиард сўмлик саккиз мингта кулолчилик махсулоти етказиб берилди.

Кулолчилик махсулотлари сотувидан тушган маблағнинг бир қисми Мехрибонлик уйларида ўтказилди. Халқимизга хоc сумалак сайли ва элимиз ардоқларига санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирига фойз бағишлади.

Сарвара ҚОСИМОВА

КУЛОЛЛАР САЙЛИ



лоллар шаҳарчаси фикримизнинг далилидир. Ҳозир шаҳаримизда ўнлаб кулоллар фаолият олиб бормоқда. Тадбирда соҳада амалга оширилаётган бир қатор хайрли ишлар ҳам

"Қизил китоб" элги бўри

Қай бир напшиётда қотиба бўлиб ишлайдиган бир опахон "Тулхан"га хикоя олиб келди. Ўқиб чиқсам, ўртачадан пастрок. Унда кишлоқдаги қўйларга хужум қилган бўрини кўпчилик бўлиб шафқатсизларча ўлдирилгани тасвирланган. Қўйлардан кўра бўрига аниқ кетдим.

— Опа, бўри "Қизил китоб"га киритилганидан хабарингиз борми? Уни кўпчилик бўлиб ўлдиргани тарғиб қилолмаймиз.

— Биттагина бўри-ку. Ҳеч нарса қилмас.

— Журналимиз уч юз миңга чиқади, бу уч юз миң бўри ўлди, дегани. Бу бечора бўрининг ўзи шунча кўп бўлмаса керак. Уч юз миң боланинг кўнглига шафқатсизлик уруғини эколмаймиз. Бошқа ёзганларингиз бўлса, олиб келарсиз.

Опахон мунгайганча чиқиб кетди.

Яхши бўлармиди?

Болалар ёзувчиси, "Тоғда ўсган бола" кинесаси муаллифи Оқилжон Хусан ўта ювош, камтарин ин-

сон эди. У кишиникига Тўлқин Эшбек билан борганимизда рафикасига бирор ишни тўғридан-тўғри буюрмай, "яхши бўлармиди" шаклида айтарди: "Бирор иссиқ чой ичсак яхши бўлармиди?", "Дастурхондан олинмиб ўтирсак яхши бўлармиди?", "Энди, ташқарида пича янги ҳаво олсак, яхши бўлармиди?.."

Ортага кайтаётганимизда, метро вагонига ўтирсак, Тўлқин айтиб қолди: — Кейинги метро бекати "Ҳамид Олимжон" бўлса, яхши бўлармиди?

Камтаринлар камтарини

Оқилжон Хусановнинг ўзи ҳам "камтаринлик намунаси" эканига ишониб қолган, шекилли, Ёзувчилар уюшмасида бўлган бир мажлисда раислик қилувчи навбатдаги одамга сўз бераётди:

— Энди навбат, уюшмамизнинг энг камтарин аъзоларидан бири... — деди-да, унинг кимлиги эсидан чиқиб қолгандай кўлидаги қоғозга қараб, кўзи ўтмагач, кўзойнагини гилофдан чиқара бошлади.

Ўтирганлар эса Оқилжон акага: "Чиковринг, сиздан бошқа бу ерда бирорта камтар одам йўқ", дегандай қарай бошлади. Оқилжон ака ҳам ранги оқариб: "Мен сўзга ёзилмаганман, бу кимдир бошқа

биров бўлса керак", дея ўрнидан турган эдики, раис "асл камтар аъзо"нинг номини айтиб қолди.

Оқилжон ака ўз рақибининг ортидан лол бўлиб бокчанча минбарга кузатиб қўйди, ёнидаги одам туртиб қўйгач жойига қайтиб ўтирди.

"Зарбандга келманг"

"Тулхан" тахририятига зарбандлик бир шоир акамиздан "Келинг, Зарбандга" деган икки қоғозга чўзилган реклама-шёр келди. Ёши катта муаллифларга тайёр жавоб намунаси эмас, алоҳида хат ёзардик.

"Келинг Зарбандга" шёриятингиз жуда ажойиб. Уни эълон қилсак, қишлоғингизга боришни хошлайдиганлар кескин қўлайиб кетади. Сиз шунга тайёрмишсиз? Шёрларда таърифланганлардан ташқари, бошқа нуқсонларни қўриб қолишса, шоир ҳам, журнал ҳам бизни алдабди деб ўйлашлари мумкин. Иложи бўлса, қишлоғингиздаги камчиликлардан ҳам ёсангиз яхши бўларди."

Эриммаган акамиздан икки ҳафтадан кейин жавоб келди. Бу галгиси "Келманг Зарбандга" деб номланган бўлиб, йўллар ёзда чангу кишда лойлиги, ичишга тоза сув топишмаслиги ва яна бир дунё камчиликлар кўрсатилиб, аввалги шёриятинг тамомила акси, анти-реклама руҳида эди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Яхёхон ФАЁЗ

ОНА ДИЁРИМ

Бу Ватанинг илдизлари Ҳикматлардан иборат. Ҳикматлари улкан китоб, Китоблари — иморат.

Ҳар қаламда орзу гуллар, Эй, тупроғи жўмардим. Ўзингдирсан, илк баҳорим, Ўзинг дилда ардоғим.

Зиё истаб зулм чеккан, Қодирий ҳам Чўлпоним. Осмонўпар чўққиларни, Уйғотгансан, чўпоним.

Диёримда Инсон азиз, Шундай бўлган азалдан. Ўзбек элим меҳнатидан, Мўъжизалар яралган.

Қулоғимда элас-элас, Онам айтган алла саси. Балки шундан қалбда мангу, Юрта бўлган меҳр дарси.

Уфқка туташ тоғларингдай, Юрагимда вужурим қат. Ўзингдирсан кўнгли қаъбам, Ўзинг мангу мухаббат.

ЁМГИР

Само узра булутлар чопар, Гумбурайди самовий шотир. Бу баҳорий ажиб тароват, Майин-майин ёғади ёмғир.

Шитирлайди дарахт япроғи, Томчилар-ла ўпишган чоғи. Чакмоқ қақар булутни ёриб, Гўё кўннинг қўлда чироғи.

Ёмғир ёғар адирлар узра, Майсаларнинг силаб юзидан. Қулиб қолар борлик табиат, Томчиларнинг ширин нозидан.

БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ

Кетди ёшлик, кетди болалик, Энди дилга беролмайман эрк. Ҳам беғубор қайғулар кетди, Шўхликларнинг эшиклари берк.

Аббос Махмуд Ал-АККАД, мисрлик ёзувчи

КЕЛ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Китоблар одамларга ўхшайди. Улар орасида нуфузли жаноб ҳам, такаббур ёлғончи ҳам, содда-гўллар ҳам, тез-тез йўлдан адашадиган, аммо ҳаммани тушуналган одамлар ҳам бор. Кутубхона мана шу дунёга ўхшаб ранг-баранг бўлганда тўлади. Устозлар сента: "Ўзингга фойда келтирадиган нарсаларни ўқи", дейди. Мен эса, бундай дейман: "Йўқ. Сен мутолаадан наф чикар, чунки ўқимай туриб китобнинг фойдали эканини қайдан биласан?"

Жимжамдор китоблар ўқийдиган китобхон парҳез таом сийдан хастага ўхшайди. Бу яхши дилдан кўра кўпроқ ошқозон дардига йўлликкан одамларга дахлдор. Билиб қўй, озгина ва семиз китоблар бўлади. Маълумки, ёғли таом хаста одамнинг ошқозони учун зарарли, соғлом ошқозон эса, ёғсиз овқатдан ҳам руҳ ва куч олиб, озикланади.

Агар сента хозир кўз олдинда турган манзара зерикарли бўлса, кейинчалик унга қайта қарашни истамайсан; агарда хозир қулоғингга чалинган говуш ёқмаса, кекайганда ҳам уни эшитишни хохламайсан. Билмадим, ўқувчиларга бир марта ўқиб олати қаердан келган. Ахир, китоблар манзара ва овозга қараганда кўпроқ тимсоллар ва атроф-оламнинг турли манзараларини ифода-лаш имкониятига эга. Агар сенинг хис-туйғуларингдан кўра тафаккуринг ривожланганроқ бўлса, аввал ўзинг ўқиб чиққан китобларга қай-

тиш яхши — бу билан фикрлашингдаги ўсиш бир қарра қўриқдан ўтади. Кимки тушунса, китоб ўқиш — саҳифалар бўйлаб кўз югуртириб чиқиш эмас, шунингдек, уни чуқур англаш — саҳифаларни ёдлаб олиш дегани ҳам эмас. Шақ-шубҳасиз, мумкин қадар китобни қайта ўқиб туриш керак, чунки икки марта ўқилган китоб, бир марта ўқилганидан кўра теранроқ анланади, фойдаланароқ бўлади.

Мен мутолаа қилаётганимда ҳар бир саҳифа замрилади фикрни англаш қоидаларига амал қиламан. Баъзида китобни қўлга олиб, таваққал қилиб исталган саҳифасини оманан — агар у бошидан охиригача, бутунисича ўқилиши лозим китоблар сира-

сидан бўлмаса — мушоада қилишга лойик бирор фикр ёки ибора эътиборимни тортмаса, уйга толаман ва китобни ёпиб четта қўяман, кейинчалик ҳам унга қарайман. Олатим шунанга, энг қимматли, энг пуч китобларга ҳам муносабатим шундай. Аввалига мен уларни фарқлаб ўтирмайман. Аммо тасвирланган воқеа-ходисалар мени хайратта солган ва ёзувчининг фикрлари бир лаҳза бўлсин бошқача фикрлашга йўл бермайдиган китобларни қўлдан қўймай ўқиб чиқаман. Энди сен менинг китоблар ҳақидаги ўй-фикрларимни яхши биласан. Кел, китоб ўқиймиз!

1914

Рус тилидан Хумоюн АКБАРОВ таржимаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, қорақалпоғистонлик таниқли адиб Жуманиёз Ўтаниязовга умр йўлдоши Бибиҳожар НУРНАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзолари Икболлой ва Ирода Адизоваларга онаси ШАФОАТ аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирадими.

Табаллуд қўилар
Жалолиддин Раҳимов - 16 апрель (1948) - рассом, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри бош рассоми.
Анвар Эргашев - 19 апрель (1954-2020) - композитор, дирижёр, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.
Альберт Малахов - 19 апрель (1936-1969) - композитор.
Темур Саъдуллаев - 20 апрель (1948) - рассом, Ўзбекистон Бадний ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Марям Ихтиёрова - 21 апрель - Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри актриси, Ўзбекистон халқ артисти.
Шарофиддин Музропов - 22 апрель (1980) - Ўзбек Миллий академик драма театри актриси.

МАЪНАВИЙ ЭТМОШЛАР
Одамни ўрганиш - чексиз конинотни ўрганишдек боши-кети йўқ ҳаракатнинг худди ўзи. Дунёда Одамдан-да олий, ундан-да тубан мавжудот йўқ. Бу юксаклик ва тубанлик оралиғидаги чексиз масофа эса ҳеч бир ўлчовга тўғри келмайди!
Блез ПАСКАЛ, француз файласуфи

Ўзбекистон adabiyoti va san'ati
Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ
Хамқоримиз: Ingo akfa
Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Масъула қотиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий қўмуниқашлар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алди - 3007, Буюртма Г - 444.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
«Шарк» напшиёт- матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.30.
ISSN 2303-614X
1772161134000